

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК
ИНСТИТУТИ**

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКАЛАРИ,
ФОЙДАЛАНИШ ВА ТАЪМИРЛАШ» КАФЕДРАСИ**

***«ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ҚОИДАЛАРИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ»
фанидан***

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

***«Қишлоқ хўжалигини механизациялаш»
таълим йўналиши талабалари учун***

I-ҚИСМ

Андижон – 2015 й.

Фаннинг услубий кўрсатмаси институт Илмий Кенгашининг «28» июн 2015 йилдаги №9 йиғилишида кўриб чиқилган ҳамда тасдиқланган -5430100 *«Қишлоқ хўжалигини механизациялаш»* бакалавр таълим йўналиши учун тавсия этилган услубий кўрсатма ишлаб чиқилган.

Тузувчилар: «Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиши ва таъмирлаш» кафедрасининг доценти Б.Р.Болтабоев катта ўқитувчиси М.Мамадалиев, ассистентлар Б.Раззақов, М.Юлдашева

Тақризчи: «Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш ва таъмирлаш» кафедрасининг доценти, т.ф.н А.Н.Худоёров

**Фаннинг услубий кўрсатмаси кафедранинг «__» _____
20__ йилдаги №__ йиғилишида кўриб чиқилди ҳамда факультет
илмий Кенгаши йиғилишига тасдиқлаш учун тақдим этилди.**

Кафедра мудири, доцент **И.Ғ. Мирзаев**

Услубий кўрсатма факультети ўқув-услубий кенгашида 25.06.2015 йилда № 9 йиғилишида кўриб чиқилди ва тасдиқланди.

**Факультети ўқув-услугий кенгаши раиси,
«Қишлоқ хўжалик техникалари, фойдаланиш
ва таъмирлаш» кафедраси, т.ф.н. доцент** **Ғ.Орипов**

**Келишилди институт ўқув
методика бўлими бошлиғи**

Амалий машғулот № 1,2

Мавзу: Кириш. Умумий қоидалар.

Ишдан мақсад: Умумий қоидалар. Қоидаларда қўлланилган асосий тушунча ва атамаларни ўрганиш.

Топшириқ

1. Кириш;
2. Умумий қоидалар;
3. Қоидаларда қўлланилган асосий тушунча ва атамалар;
4. Ҳаракат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш талаблар;
5. Механик транспорт воситаси ҳайдовчисидан бўлиши керак бўлган ДАН ходимларига кўрсатиладиган ҳужжатлар



Ўзбекистондаги «GM UZ AVTO», «SamCochAvto» заводларида турли хилдаги енгил ва юк автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Йўлларда транспорт воситалари катнови ҳам ортиб бормоқда. Дунёнинг барча мамлакатларида йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун йўл ҳаракати қоидалари амалга киритилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва бу борада ягона давлат сиёсатини юритиш, йўл ҳаракати қоидаларини ҳалқаро «Йўл ҳаракати ҳақида» ги конвенция талабларига мувофиқлаштириш мақсадида ҳамда «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига асосан Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 11 декабрдаги 472-сонли Қарори билан Йўл ҳаракати қоидаларини тасдиқлади. Йўл ҳаракати қоидалари 2001 йил 1 мартдан эътиборан амалга киритилди. Йўл ҳаракати қоидаларини ўргатиш машғулотларининг режа ва дастурлари мазкур йўл ҳаракати қоидаларига асосан тўзилди.

«Йўл ҳаракати қоидалари» Республика ҳудудидаги йўлларда ҳаракатланишнинг ягона тартибини белгилайди.

Ушбу қоидалар Ўзбекистон ҳудудидаги барча йўл ҳаракати қатнашчиларига тегишли. Қоидаларга йўл ҳаракати мумкин бўлган жойларда, аҳоли яшайдиган ва яшамайдиган ерларда, ҳар хил йўлларда,

йўл йўқ жойларда, корхона, муассаса, ташкилот ҳудудларида ва бошқа ерларда бир хилда амал қилинади.

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу йўл ҳаракати қоидалари (кейинги ўринларда «Қоидалар» деб аталади) республика ҳудудидаги йўлларда ҳаракатланишнинг ягона тартибини белгилайди.

1.2. Ўзбекистон Республикаси йўлларида транспорт воситаларининг ўн тарафлама ҳаракатланиш тартиби белгиланган.

1.3. Йўл ҳаракати қатнашчилари «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, ушбу Қоидаларни ва унда келтирилган светофор ишоралари, йўл белгилари (1-илова), қатнов қисмидаги чизиқлар (2-илова)нинг ўзларига тегишли бўлган талабларини билишлари, уларга амал қилишлари, шунингдек, ўзларига берилган ҳуқуқ доирасида йўлларда ҳаракатни бошқараётган тартибга солувчиларнинг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришлари шарт.

1.4. Йўл ҳаракати қатнашчилари ҳаракатланиш вақтида бошқа қатнашчиларнинг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак. Ваколати бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар томонидан йўл қоидабини бузиш ёки ифлослантириш, йўл белгиларини, светофорларни ва ҳаракатланишни ташкил этишнинг бошқа техник воситаларини ўзбошимчалик билан олиб ташлаш, ўрнатиш, тўсиб қўйиш, шикастлантириш, йўлларда ҳаракатланишга тўсқинлик қилувчи нарсаларни қолдириш тақиқланади.

Ҳаракатга тўсқинлик туғдирган шахс уни тезда бартараф қилиш учун имконияти даражасида барча чораларни кўриши, агарда бунинг иложи бўлмаса, ўзида бўлган барча воситалар билан ҳавф-хатар ҳақида ҳаракат қатнашчиларини огохлантириши ва милицияга хабар бериши шарт.

1.5. Мазкур Қоидаларни бузган шахслар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига биноан жавобгарликка тортиладилар.

2. Қоидаларда қўлланилган асосий тушунча ва атамалар

Қоидаларда қўлланилган асосий тушунча ва атамалар ҳамда уларни кўрсатувчи белигилар билан танишиши



Автомагистрал — 5.1.



Автомагистралнинг охири — 5.2.

Автомагистрал — 5.1.



Махсус тартиб (қоидалар) ўрнатилган ва транспорт воситаларининг тез, ҳавфсиз ҳаракатланишини таъминлайдиган автомагистрал бошланишига ушбу белги ўрнатилади.

Автомагистралнинг охири — 5.2.

Ушбу белги ўрнатилган жойдан бошлаб махсус тартиб талаблари бекор қилинади “Автомобиллар учун мўлжалланган йўл” тартиби кучга киради.



Автомагистрал йўл белгиси



Автомагистрал йўлнинг туташган ёки кесишган йўл белгилари


Ажратувчи бўлак — йўлнинг ёнма-ён жойлашган қатнов қисмларини ажратувчи, рельсиз транспорт воситалари ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши ёки тўхташи учун мўлжалланмаган алоҳида қисми.

Ажратувчи бўлак ётиқ чизик, йўл сатҳидан баланд қурилма, кўкаламзор-лаштирилган жойлар кўринишида бўлиши мумкин.

Арава — от (ёки бошқа хайвонлар)га қўшиб тортиладиган, ёки одам мўшак кучи билан тортиб (итариб) ҳаракатга келтириладигани юргизгичсиз (двигателсиз), юк ташишга мўлжалланган қурилма.

Асосий йўл — тупроқли йўлга нисбатан қаттиқ қопламали (асфальт ва цемент бетонли, тош ётқизилган ва шўнга ўхшашлар), кесишаётган ёки туташган йўлга нисбатан 2.1, 2.3.1 — 2.3.3 ёки 5.1 белгилари билан белгиланган йўл ёхуд ёндош ҳудуддан чиқадиган йўлга нисбатан ҳар қандай йўл. Иккинчи даражали йўлнинг бевосита чоррахага туташ қисмининг қопламали бўлиши уни асосий йўл билан тенг ҳуқуқли қилмайди.

Аҳоли яшайдиган жой — кириш ва чиқиш йўллари 5.24-5.25 белгилари билан белгиланган ҳудуд.




Белгиланган йўналишли транспорт воситаси—белгиланган йўналиши ва бекатлари бўлган, йўловчи ташиш учун мўлжалланган умумий фойдаланишдаги транспорт воситалари (троллейбус, автобус, трамвай, йўналишли такси).

Велосипед — одам кучи билан ҳаракатлантириладиган икки ёки ундан ортиқ ғилдиракли транспорт воситаси (ногиронлар аравачасидан ташқари).

Етарли кўринмаслик— ёмғир, қор ёғиши, туман тушиши ва шўнга ўхшаш шароитларда, шунингдек, куннинг ғира-шира вақтида йўлнинг кўриниши 300 метрдан кам бўлиши.

Ёндош ҳудуд — бевосита йўлга туташган ва транспорт воситалари ўтиб кетиши учун мўлжалланмаган ҳудуд (ховлилар, турар жой даҳалари, автомобиль тўхтаб туриш жойлари, ёнилғи қуйиш тармоқлари, корхона ва шўнга ўхшашлар).



Имтиёз — мўлжалланган йўналишда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан олдин ҳаракатланиш ҳуқуқи.

Йўл — транспорт воситалари қатнови учун қурилган ёки мослаштирилган ва худди шу мақсадда фойдаланиладиган ер минтақаси ёхуд сунъий иншоот юзаси. Йўл ўз ичига автомобиль йўллари (умумий фойдаланишдаги ва идоровий автомобиль йўллари), шаҳарлар, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг кўчалари ва йўлкаларини, шунингдек, шаҳар электр транспорти йўллари олади.

Йўл беринг — йўл ҳаракати қатнашчисига нисбатан имтиёзи бўлган бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракат йўналишини ёки тезлигини ўзгартиришга мажбур этиши мумкин бўлган ҳолларда ҳаракатни давом эттирмаслигини ёки бошламаслигини, бирон-бир манёвр бажариши мумкин эмаслигини билдирувчи талаб.

Йўловчи — транспорт воситасидаги (ҳайдовчидан ташқари) шахс.

Йўл-транспорт ходисаси — транспорт воситасининг йўлдаги қатнови жараёнида содир бўлиб, одамларнинг ўлими ёки уларнинг соғлигига зарар етишига, транспорт воситалари, иншоотлар, юклар шикастланишига ёки бошқа тарзда моддий зарар етказилишига сабаб бўлган ходиса.

Йўл ҳаракати — одамлар ва юкларнинг транспорт воситалари ёрдамида ёки бундай воситаларсиз йўллар доирасида ҳаракатланиши жараёнида юзага келувчи муносабатлар мажмуи.

Йўл ҳаракатини ташкил этиш — йўлларда ҳаракатни бошқариш бўйича ҳуқуқнн. таятқилий-техникавий тадбирлар ва **бошқарув ҳаракатлари** мажмуи.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги — йўл ҳаракати қатнашчиларининг йўл-транспорт ходисалари ва уларнинг оқибатларидан химояланганлик даражасини акс эттирувчи йўл ҳаракати ҳолати.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш — йўл-транспорт ходисаларининг юзага келиш сабаблари олдини олишга, бундай ходисалар оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган фаолият.

Йўл ҳаракати қатнашчиси — йўл ҳаракати жараёнида транспорт воситаси ҳайдовчиси, йўловчиси ёки пиёда тариқасида бевосита иштирок этаётган шахс.

Мажбурий тўхташ — техник нуқсон, ташилаётган юк, ҳайдовчи, йўловчининг ҳолати, йўлдаги бирор тўсиқ туфайли хавф туғилганда ёки об-хаво шароитига боғлиқ ҳолда транспорт воситаси ҳаракатланишининг тўхтатилиши.

Механик транспорт воситаси — юргизгич (двигатель) билан ҳаракатга келтириладиган транспорт воситаси (мопеддан ташқари). Бу атама барча трактор ва ўзиюрар мосламаларга ҳамтаълуқлидир.

Мопед — иш ҳажми 50 сантиметр кубгача бўлган ва юргазгич (двигатель) билан ҳаракатга келтириладиган, энг юқори тезлиги соатига 50 километрдан ошмайдиган икки ёки уч ғилдиракли транспорт воситаси.

Осма юргизгичли велосипедлар ва юқоридаги таърифга эга бўлган бошқа транспорт воситалари ҳаммопедларга тенглаштирилади.


Мотоцикл — кажавали ёки кажавасиз икки ғилдиракли механик транспорт воситаси.

Юкланмаган ҳолатдаги вазни **400** килограммдан ошмайдиган уч ғилдиракли механик транспорт воситалари ҳаммотоциклларга тенглаштирилади.

Огоҳлантирувчи ишоралар — фалокатли ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, ҳаракатланиш йўналишини ўзгартиришда қўлланиладиган ишоралар.

Пиёда — йўлда транспорт воситасидан ташқарида бўлган ва иш билан банд бўлмаган шахс.

Велосипед, мопед, мотоцикл ва чана етаклаган, аравача, болалар ҳамда ногиронлар аравачасини тортиб кетаётган, ногиронларнинг юргизгичсиз аравасида ҳаракатланаётган шахслар ҳам пиёда ҳисобланадилар.



Пиёдалар ўтиш жойи — йўлнинг қатнов қисмини пиёдалар кесиб ўтиши учун мўлжалланган, 5.16.1, 5.16.2 белгилари чизиқлари билан ажратилган қисми.

Чизиқлар бўлмаса пиёдалар ўтиш жойининг кенглиги 5.16.1 ва 5.16.2-белгилари орасидаги масофа билан аниқланади.

Пиёдалар йўлкаси — йўлнинг пиёдалар ҳаракатланиши учун мўлжалланган ва транспорт воситалари ҳаракати тақиқланган қисми.


Пиёдаларнинг ташкилий жамланмаси — қоидаларнинг 5.2-банди талабларига мувофиқ йўлда бир йўналишда биргаликда ҳаракатланаётган одамлар гуруҳи.

Реверсив ҳаракат — йўл қатнов қисмининг махсус ажратилган, 5.35 — 5.37 йўл белгилари, 1.9 чизиқлар билан белгиланган ёки устида реверсив светофор ўрнатилган бўлагида ҳаракат йўналишининг қарама-қарши томонга ўзгариши.

Рухсат этилган тўла вазн — аслахаланган транспорт воситасининг юки, ҳайдовчи ва йўловчилари билан бирга, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан белгиланган энг юқори вазни (миқдори).

Бир тартибда ҳаракатланаётган (тиркама ва х. к.) транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнига шу тартибга кирувчи транспорт воситаларининг рухсат этилган тўла вазнлари йиғиндиси киради.

Тартибга солувчи — тегишли гувоҳномаси ва белгиси (махсус кийими ёки таниқлик белгилари: қўл боғичи, жезл, қизил ишорали ёруғлик қайтаргич ёки ёруғлик қайтаргичсиз гардиш, қизил чироқ ёки байроқча) бўлган милиция, ҳарбий автоназорат ходими, йўлдан фойдаланиш идораларининг хизматчиси, темир йўл кесишмаси, сол кечувлари (паром) навбатчиси, жамоатчи автоназоратчи ва милициянинг штатдан ташқари ходими.




Темир йўл кесишмаси — йўлнинг темир йўл билан бир сатҳда кесишган жойи.

Транспорт воситаси — одамларни, юкларни ташишга ёки махсус ишларни бажаришга мўлжалланган қурилма.

Транспорт воситасининг эгаси — транспорт воситасига мулк ҳукукида ёки бошқа ашёвий ҳуқуқларда эгалик қилувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси — бевосита бир-бирининг кетидан битта ҳаракатланиш бўлагида фараларини доимий ёкиб келаётган, олдида ялт-ялт этувчи кўк рангли ёки кўк ва қизил рангли чироқ маёқчаси ёқилган транспорт воситаси кузатиб бораётган уч ва ундан ортиқ механик транспорт воситалари гуруҳи.

Тротуар — йўлнинг қатнов қисмига туташган ёки ундан майсазор, ариқ, махсус тўсиқлар билан ажратилган ва пиёдаларнинг ҳаракатланиши учун мўлжалланган қисми.





Тиркама — механик транспорт воситаси таркибида ҳаракатланишга мўлжалланган, юргизгич билан жиҳозланмаган транспорт воситаси.

Бу атама ярим тиркама ва узайтириладиган тиркамаларга ҳам тааллуқлидир.

Тўхташ — транспорт воситасининг ҳаракатини 10 дақиқадан кам вақтга тўхтатиш (ҳаракатсиз ҳолатга келтириш).


Тўхтаб туриш — транспорт воситасининг, ўнга йўловчиларни чиқариш ёки тушириш, юк ортиш ёки тушириш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда ҳаракатини 10 дақиқадан кўпроқ вақтга атайин тўхтатиш.



Қоронғи вақт — кечки ғира-ширанинг охиридан тонгги ғира-ширанинг бошланиши орасидаги вақт.

Қатнов қисми — йўлнинг рельсиз транспорт воситалари ҳаракати учун мўлжалланган қисми.

Қувиб ўтиш — эгаллаган ҳаракатланиш бўлагидан чиқиб олдинда кетаётган транспорт воситасидан ўзиб кетиш.



Чорраҳа — йўлларнинг ўзаро бир сатҳда кесишадиган, туташадиган ва айриладиган жойи.

Чорраҳа чегараси унинг марказидан қатнов қисмлари охиридаги қарама-қарши томонларнинг энг ўзоқроқдаги бурила бошлаган жойларини туташтирувчи ҳаёлий чизиқлар билан аниқланади.

Ёндош ҳудудлардан чиқиш жойлари чорраҳа ҳисобланмайди.

Йўл ҳаракати светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари орқали бошқарилаётган чорраҳа тартибга солинган чорраҳа деб ҳисобланади.

Милтиловчи сариқ ишорада, светофорлар ишламаётган ёки тартибга солувчи бўлмаган чорраҳа тартибга солинмаган чорраҳа деб ҳисобланади.

Ҳайдовчи — йўлларда бирон-бир транспорт воситасини бошқариб бораётган шахс.

Бошқаришни ўргатувчи, миниладиган ҳайвонларда кетаётган ёки уларни етаклаб бораётган, чорва моллари (пода)ни ҳайдаб бораётган шахслар ҳам ҳайдовчига тенглаштирилади.

Ҳаракатланиш бўлаги — автомобилларнинг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун кенглиги етарлича бўлган, йўл чизиқлари билан белгиланган ёки белгиланмаган йўл қатнов қисмининг ҳар қандай бўйлама бўлаги.

«Автомобилтрал»-5.1 белги билан йўл трассаси кўрсатилган.

«Велосипед»-одам кучи билан ҳаракатлантириладиган икки ёки ундан ортик ғилдиракли транспорт воситаси (ногирон аравачасидан ташқари) (3-расм, А).

Амалий машғулот № 3

Мавзу: Ҳайдовчиларнинг умумий мажбуриятлари.

Ишдан мақсад: Ҳайдовчини умумий мажбуриятлари. Йўл транспорт ходисаси ва пиёдаларнинг вазифалари. Йўловчиларнинг вазифалари, махсус транспорт воситаларини имтиёзлари.

Топширик

1. Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси мажбуриятлари ўрганиш.
2. Транспорт воситаси ҳайдовчиси амал қилиши керак бўлган мажбуриятлар.
3. Транспорт воситасини бошқаришда ҳайдовчини таққиловчи омиллар.

3. Ҳайдовчиларнинг умумий мажбуриятлари

3.1. Механик транспорт воситасининг ҳайдовчиси:

- хайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талонини ёки транспорт воситасини вақтинчалик бошқариш ҳукуқини берувчи талонни, хайдовчилик гувоҳномаси белгиланган тартибда олиб қўйилган бўлса, унинг талонини, хайдовчилик гувоҳномаси ва унинг талони олиб қўйилган ҳолларда вақтинчалик рухсатномаси бўлиши шарт;

-вақтинчалик бошқариш ҳукуқини берувчи талон ёки вақтинчалик рухсатнома билан транспорт воситасини бошқаришда эса хайдовчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (фуқаролик паспорти ва х. к.) бўлиши шарт;

-транспорт воситаси рўйхатдан ўтказилгани ҳақидаги ҳужжатни, транспорт воситасининг эгаси бўлмаган ҳолларда эса умумий эгалик ҳукуқини берувчи, тасарруфга ёки фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатни, белгиланган ҳолларда йўл варақаси ва ташилаётган юкнинг ҳужжатларини ёнида олиб юриши, милиция ходимлари талаб қилганда текшириш учун бериши шартдир.

3.2. Тегишли тоифадаги хайдовчилик гувоҳномасига эга бўлган шахс ўзига қарашли бўлмаган транспорт воситасини, унинг эгаси, ёхуд тасарруфга ёки фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс иштироқидагина (ўларнинг розилиги билан) бошқариши мумкин.

3.3. Конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситаси ҳаракатланиб бораётганда хайдовчи хавфсизлик камари тақиб олиши ва хавфсизлик камарлари тақилмаган йўловчиларни ташимаслиги шарт. Қўйидагиларга хавфсизлик камари такмасликка рухсат берилади:

Қоидаларнинг 25.8-бандига мувофиқ орқа ўриндикдаги 12 ёшгача бўлган болалар;

транспорт воситасини хайдовчиликка ўқийётган ўқувчи бошқараётганда бошқаришни ўргатаётган шахс;
хониладор аёллар, саломатлиги хавфсизлик камари тақиб имконини бермайдиган бемор йўловчилар;

орқага ҳаракатни амалга ошираётган хайдовчилар;

аҳоли пунктларида ҳаракатланишида — йўналиши таксилари хайдовчилари, таксининг орқа ўриндигидаги йўловчилар;

аҳоли пунктларида — ташиқ қисмига тегишли рангли график схемалар чизилган махсус транспорт воситалари хайдовчилари ва йўловчилари.

Мотоциклни бошқараётганда хайдовчи тугмаланган махсус бош кийими кийиши ва тугмаланган махсус бош кийими киймаган йўловчиларни ташимаслиги керак.

Транспорт воситасини бошқариш ва йўловчилар ташишда хавфсизлик камаридан, мотошлемлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилмаса энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмига тенг бўлган жарима тўланади.

3.4. Халқаро йўллардаги ҳаракатланишда иштироқ этаётган механик транспорт воситаси ҳайдовчисининг ёнида «Йўл ҳаракати ҳақида»ги Конвенция талабларига мос келадиган ҳайдовчилик гувоҳномаси ва транспорт воситасининг рўйхатдан ўтганлиги ҳақидаги хужжат, транспорт воситасида эса рўйхатдан ўтган давлатнинг рақамли ва таниқлик белгиси бўлиши шарт.

3.5. Транспорт воситаси ҳайдовчиси қўйидагиларга амал қилишга мажбурдир: ҳаракатланишдан олдин транспорт воситасининг техник созлигини, тозаллигини ва тўлиқ жихозланганлигини текшириши;

ҳаракатланиш вақтида транспорт воситасининг техник ҳолатини соз ҳолда бўлишини таъминлаши;

ҳаракатланишни бошлашдан олдин йўловчиларнинг транспорт воситасига тўлиқ чиқиб жойларини эгаллаганлигига, транспорт воситасининг эшиклари ёпилганлигига, йўловчилар ташиш учун махсус жихозланган юк автомобилларида йўловчилар ташиётганда ушбу Қоидаларнинг 6.2 банди талаблари бажарилганлигига ишонч ҳосил қилиши;

- ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса болалар, ноғиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши;

милиция ходимларининг талабига кўра мастлик ҳолатини аниқловчи махсус текширувда'н ўтиши;

йўл-транспорт ҳодисаси туфайли шикастланган транспорт воситасини шатакка олиш (фақат юк автомобилида), табиий офатлар содир бўлган жойларга етиб бориш, шунингдек, кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажариш зарурати туғилган ҳолларда милиция ходимларига, йўлакай йўналишда тиббий ёрдам кўрсатишга кетаётган тиббиёт ходимларига, зудлик билан тиббий ёрдамга мухтож бўлган фуқароларни даволаш муассасасига олиб бориш учун тиббиёт ва милиция ходимларига, милициянинг штатдан ташқари ходимларига ва жамоатчи автоназоратчиларга транспорт воситасидан фойдаланишга имкон бериши.

Эслатма: тиббий хизматлар учун транспорт воситасидан фойдаланишга имкон беришдан бошқа ҳоллар фуқароларга тегишли транспорт воситаларига тааллуқли эмас.

Транспорт воситасидан фойдаланган шахс ҳайдовчи талаб қилганда йўл варақасига юрилган вақтни, босиб ўтилган масофани, ўз исм-шарифи, мансаби, иш жойи номини, йўл варақаси бўлмаган тақдирда тегишли намунадаги маълумотнома ёзиб бериши лозим.

Транспорт воситаларини текшириши ёки ундан фойдаланиши ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳайдовчининг талабига мувофиқ ўз хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

3.6. Ҳайдовчиларга қўйидагилар тақиқданади: транспорт воситасини ҳар қандай мастлик (алкоголь, гиёҳванд модда ва бошқалар) ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сўсайтирадиган дори-

дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ва бетобликда бошқариш;

ҳар қандай мастлик ҳолатида, сезгирлик ва эътиборни сусайтирадиган дори-дармонлар таъсирида, йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражада чарчоқлик ва бетобликда бўлган, шунингдек, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берадиган тегишли тоифадаги гувоҳномаси бўлмаган ёки йўл варақасида исми-шарифи кўрсатилмаган шахсларга транспорт воситасини бошқариш учун топшириш;

техник носоз транспорт воситасини, мопед, мотороллер ва мотоциклларни товуш пасайтиргичсиз бошқариш;

транспорт воситасининг тормоз тизими ёки бошқаруви ишдан чиқса, улагич мосламаси (автопоезд таркибида) носоз бўлса, қоронғи вақтда ёки етарлича кўринмаслик шароитида — фаралар ва орқа габарит чироклари ёнмаса, ёмғир, қор ёғаётган вақтда эса ҳайдовчи томонидаги ойна тозалагич ишламай қолса, бундай транспорт воситаларида ҳаракатланиш;

Эслатма: ишчи тормоз тизими ёки бошқаруви секин ҳаракатланаётган транспорт воситасини тўхташи ёки манёвр қилишига имкон бермаса, улар ишламаётган ҳисобланади.

транспорт воситаларига тегишли рухсатсиз махсус техник жихозлар (рация, сирена ва х. к.)ни ўрнатиш;

транспорт воситаларининг ташкилий жамланмаси (шунингдек, пиёдалар жамланмалари) ҳаракатига ҳалақит бериш ва улар орасига кириш;

транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан, ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-видео монитордан фойдаланиш;

транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан приборлар панелига, қуёш соябонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига теле-видео мониторлар ўрнатиш.

Амалий машғулот № 4,5

Мавзу: Йўл транспорт ходисаси ва пиёдаларнинг вазифаси.





Ишдан мақсад: Хайдовчини умумий мажбуриятлари. Йўл транспорт ходисаси ва пиёдаларнинг вазифалари. Йўловчиларнинг вазифалари, махсус транспорт воситаларини имтиёзлари.

Топшириқ



1. Йўл транспорт ходисаси содир этилганда хайдовчиларнинг вазифаси.
2. Пиёдаларнинг вазифалари.
3. Йўловчиларнинг вазифалари, махсус транспорт воситаларини имтиёзлари.

КУЧАЛАРДА ПИЁДАЛАР КАНДАЙ ХАРАКАТЛАНИШЛАРИ КЕРАК

Пиёдалар Харакатланаётганда асосан йўлнинг икки чеккасидаги пиёдалар йўл (тротуар)дан юрадилар. Агар пиёдалар йўл булмаса, йўл чеккасидаги, транспорт воситалари Харакатланмайдиган ораликдан юришлари керак. Агар пиёданинг юки катта бўлса, йўлкадаги пиёдаларга халакит бермаслик учун транспорт воситалари юрмайдиган, пиёдалар йўл чегарасида юради. Ногиронлар аравачаси ана шу ораликда Харакатланиши лозим (55-58-расмлар, А, Б, В, Г, Д).




Агар йўл ва йўл чеккасидаги оралик бўлмаган тақдирда пиёдалар велосипед юрадиган йўлдан юришлари мумкин (59-расм, Е). Аҳоли яшамайдиган жойдаги йўлларда пиёдалар транспорт воситаларига қарши ҳаракат қилишлари керак. Мопед, велосипед ва ногиронлар аравачаси транспорт воситалари йўналиши бўйлаб ҳаракатланадилар (62-расм).





Пиёдалар колонна бўлиб ҳаракатланганда автотранспорт воситаларининг йўналиши бўйлаб йўлнинг ўнг томонида юришлари керак. Колоннанинг олдидан ва орқасида бир киши, қўлида қизил байроқча билан кузатиб боради. Уларнинг ҳаракатланиши тўрт қатордан ошмаслиги керак. Қоронғи кечада, кўриниш яхши бўлмаган вақтларда колонна олди қисмининг ёнида оқ чирок, орқасида эса қизил

чироқ билан кузатиб борилади. Ёш болалар транспорт воситалари ҳаракатланмайдиган, алоҳида ажратилган йўлчаларда олиб юрилади.





Шундай йўлка бўлмаган Холда болалар йўл чеккасидаги ораликда фақат ёруғ вақтларда катталарнинг назорати остида кузатиб борилади (61, 62, 63, 64-расмлар).



Пиёдалар йўлни кесиб ўтишда махсус белгиланган жойдан ёки ер ости йўлагидан ўтишлари керак. ер усти йўлидан светофор ифшораси пиёдалар учун ажратган вақтдагина ўтилади (65, 66, 67-расмлар).

Транспорт воситаларини ҳаракати бошқариладиган жойларда пиёдалар йўлни кесиб ўтишда бошқарувчининг ҳолатига қараб ҳаракатланадилар.

Агар бошқарувчи бўлмай, ҳаракат светофор ёрдамида бошқарилса, пиёдалар ўнга амал қилган ҳолда ҳаракат қиладилар.





Йўл ҳаракатини тартибга соладиган шахс, светофор ёки пиёдалар белгиси булмаса, йўлни кесиб ўтишдан олдин келаётган автотранспортнинг тезлигини ва кесиб ўтиладиган йўл катталигини фикран чамалаб хавф булмасагина ўтиш мумкин. Пиёдалар утадиган жойда ҳаракатдаги транспорт воситаларига тусик булмаслиги шарт. Тўхтаб турган транспорт воситасининг орқасидан югуриб утмаслик керак, чунки бевосита олдиндан автомобил келиб қолиш хавфи бор. Пиёдалар йўлни кесиб утадиган жойга автомобил хали-бери етиб келмаслигига ишонч Хосил қилгандан кейингина йўлдан ўтиш мумкин (68-расм).

Ўтишга улгурмаган пиёдалар карама-карши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи чизикда тўхташлари лозим. Пиёдалар кейинги утган транспорт воситаси узлари учун хавсиз эканлигига ишонч Хосил килгандан сўнг светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари Хисобга олган Холда ўтишни давом эттиришлари мумкин.

Пиёдалар ва йўл ҳаракатининг бошқа иштирокчилари ЙХҚни бузишга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмига тенг бўлган жарима тўланади.

Ҳайдовчиларга ҳар хил хизмат кўрсатиш мақсадида фуқаролар йўлнинг қатнов қисмида туришга ва мол боқишга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмига тенг бўлган жарима тўланади.



Пиёдаларнинг ЙХҚни бузиш авария ҳолатини келтириб чиқарса энг кам иш ҳақининг бир қисмига тенг бўлган жарима тўланади.



Кўк рангли ёки ва кизил рангли чирок ёки махсус товуш сигнали ёкиланган транспорт воситалари яқинлашиб келаётган буса, пиёдалар қатнов қисмидан ўтмасликлари, унда Ҳаракатланаётган эса бу транспорт воситаларига йўл беришлари ва зудлик билан қатнов қисмини бўшатишлари зарур (70-расм).


Белгиланган йўналишдаги транспорт ва таксиларни фақат бекатларда, улар бўлмаган жойларда эса йўлчалар ёки йўл ёққасида кўтиш лозим (71-расм, «К», 72-расм, «Л»).

Махсус жихозланган бекатлари бўлмаган жойларда транспорт воситаси тўла тўхтагандан кейин ўнга чиқиш мақсадида йўлнинг қатнов қисмига ўтиб боришга рухсат берилади (73-расм, «М»).





Йўловчиларнинг вазифалари

Йўловчилар кўйидаги барча қоидаларга амал қилишлари зарур:



-автомобилда кетаётганда хавфсизлик камарларини такиб олиш (74-расм, «А»), мотоциклда эса, мотошлем такиш, (75-расм, «Б»), автомобилдан тушиш ёки ўнга чиқишни тротуардан ёки йўл чеккасидан (76-расм, «В»), транспорт воситалари тўлик тўхтаган сўнг амалга ошириш;



-пиёдалар йўлаги ёки йўл ёкасида транспорт воситасига чиқиш ёки ундан тушишнинг иложи булмаса, йўлнинг қатнов қисмида (фақат бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатидан хавф булмаса ёки бошқа транспорт воситаларига ҳалакит берилмаса 77-расм, «В»).





Йўловчиларга кўйидагилар ман этилади:

-автомобилни бошқараётган хайдовчини чалгитиш (ўнга имо- ишора килиш, гапга солиш, 78-расм);

Махсус транспорт воситаларининг имтиёзлари.

-бортли, юк автомобилида тикка туриш, бортлар сатхидаги юк устида утириш (79-расм);

-автомобил ҳаракатда бўлганда унинг эшигини очиш (80-расм).



7. Махсус транспорт воситаларининг имтиёзлари

7.1. Кўк рангли ялт-ялт этувчи чироқ-маёқчаси ва (ёки) махсус товушли ишораси ёқилган тезкор ва махсус хизмат транспорт воситаларининг хай-довчилари кечиктириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажараётиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу Қоидаларнинг 8-боб (8.9-бандидан ташқари), 10-15, 18-19-боблари, Қоидаларнинг 1 ва 2-иловалари талабларидан четга чиқишлари мумкин. Кўк рангли чироқ маёқчага қўшимча қизил рангли чироқ-маёқча ҳамёқилиши мумкин.

Бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига нисбатан имтиёзга эга бўлишлари учун бундай транспорт воситаларида ялт-ялт этувчи чироқ маёқча ва (ёки) махсус товушли ишораси ёқилган бўлиши шарт. Улар ўзларига йўл берилаётганлигига ишонч ҳосил қилганларидан сўнггина имтиёздан фойдаланишлари мумкин.

Тезкор хизмат ва махсус хизмат транспорт воситалари кузатиб келаётган транспорт воситалари ҳамшу имтиёзлардан фойдаланадилар.

7.2. Ҳайдовчилар кўк рангли чироқ-маёқча ва (ёки) махсус товушли ишораларни ёққан ҳолда яқинлашиб келаётган транспорт воситаларига, шунингдек, уларнинг кузатувидаги яқинни ёритувчи чироқлари ёқилган транспорт воситаларига йўл беришлари, зарур бўлган ҳолларда уларнинг тўсиқсиз ўтиб кетишлари учун ўзлари бошқариб бораётган транспорт воситаларини йўлнинг ўнг томонига олиб тўхтатишлари шарт.

7.3. Кўк рангли чироқ-маёқчасини ёқиб турган транспорт воситасига яқинлашаётган ҳайдовчилар зарур бўлиб қолганда дарҳол тўхташ имкониятини берадиган даражада ҳаракатланиш тезлигини камайтиришлари шарт.

7.3. Зарғалдоқ, ёки сариқ рангли чироқ-маёқчаси ёқилган, йўлдан фойдаланиш хизматида тегишли мослама ва транспорт воситаларининг хайдовчилари иш бажариш жараёнида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш шарти билан ушбу Қоидаларнинг йўл белгилари, чизиқлари ҳамда 11.4, 11.5, 11.8 ва 18.1-бандлари талабларидан четга чиқишлари мумкин. Бошқа ҳайдовчилар уларнинг иш бажаришларига тўсқинлик

туғдирмасликлари шарт. Зарғалдоқ ва сариқ рангли чироқ-маёқча ҳаракатланишда имтиёз бермайди ва у фақат бошқа ҳаракатланиш қатнашчиларининг эътиборини жалб этиш учун хизмат қилади.

Амалий машғулот № 6

Мавзу: Огоҳлантирувчи ва имтиёзли белгилар.

Ишдан мақсад:


Топшириқ

1. Огоҳлантирувчи белгилар ҳақида тушунча беринг.

2. Имтиёзли белгилар ҳақида тушунча беринг.



ОГОХЛАНТИРУВЧИ БЕЛГИЛАР



Огоҳлантирувчи белгилар ҳайдовчига йўлнинг хавфли қисмига яқинлашаётганлиги, хавфнинг тури ва шакли ҳақида ахборот беради. 1.1, 1.2, 1.5-1.30 огоҳлантирувчи белгилар аҳоли яшамайдиган жойларда хавфли ердан 150-300 метр аввал (284-расм, «А»), аҳоли яшамайдиган жойларда эса 50-100 метр олдин (280-282-расмлар, «Б») ўрнатилади.

Зарурият тугилганда бу белгилар бошқа масофад урнатилиши мумкин (283-расм, «В»).





«Шлагбаумли темир йўл кесишмаси»





«Шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси»

Аҳоли яшамайдиган жойларда бу белгилар тез-тез учраб туради. Бу белгилар темир йўл кесишмалари олдида ўрнатилиб, биринчи белги ўрнатилган кесишма шлагбаум, темир йўл симофори билан жиҳозланган бўлиб, ҳаракатланиш темир йўл назоратчиси назорат қилади. Иккинчи белги ўрнатилган кесишма назоратчисиз бўлиб, темир йўлни, хавфсизликни таъминлаган ҳолда, кесиб ўтиш ҳайдовчининг ўзига ҳавола этилади.





Бу белгилар бевосита шлагбаумсиз темир йўл кесишмаси олдида ўрнатилади. Бу белги биринчи издан ташқари иккинчи ва ундан кейинги излардан ҳам поезд йўқлигига ишонч ҳосил қилган кесишмадан ўтиш мумкин.

Бир изли темир йўл



1.4.1-1.2.3

Кўп изли темир йўл





1.4.4-1.4.6

Темир йўл кесишмасига яқинлашув.

Бу белгилар аҳоли яшамайдиган жойларда ўрнатилиб, хайдовчининг темир йўл кесишмасига яқинлашаётганлиги ҳақида қўшимча равишда огоҳлантирилади.


«1.4.1-1.2.3» белгилари йўлнинг ўнг томонига, «1.4.4-1.4.6» белгилари йўлнинг чап томонига ўрнатилади.



Темир йўлдан ўтиш қондаси бузилса энг кам иш ҳақининг уч бараварига тенг бўлган жарима тўланади.


Темир йўлдан ўтиш қондасини бузиш маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такроран содир этилса энг кам иш ҳақининг беш бараварига тенг бўлган жарима тўланади ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этилади.

Трамвай йўли билан кесишув




Йўлнинг бурилиши ёки ундаги дўнглик туфайли йўлни кесиб ўтадиган трамвай изи кўринмаса (чорраҳадан ташқари). Ундай жойларга ушбу «1,5» «Б» йўл белгиси ўрнатилади.

Тенг аҳамиятли йўллар кесишуви.




Бу белги, усти қандай қоплама (асфальт, бетон, тош) бўлишидан қатъи назар, тенг аҳамиятли йўллар кесишган жойлар олдида ўрнатилиб, имтиёз ўнг томондан келаётган автомобилга берилади (287-расм, «Б»).

Айланма ҳаракатланиш билан кесишув.




Ҳаракатланиш вақтида бурилиш, дўнглик туфайли айланма ҳаракатланишга мулжалланганлиги кўринмаса, ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш учун ушбу белги ўрнатилади (288-расм).

Светофор тартибга солади.




Ҳаракатланишни светофор тартибга соладиган чорраҳа ва пиёдалар ўтиш жойи йўл шароити туфайли ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминловчи масофадан кўринмаса, у ҳолда ўша хавфсизликни таъминловчи масофада «1,8» йўл белгиси ўрнатилади. Светофор хавфсизликни таъминловчи масофадан кўринса «1,8» йўл белгиси ўрнатилмайди

Кўтарма кўприк



Бу белги кўтарма кўпроик ёки солда кесиб ўтиш жойлари олдида ўрнатилиб, йўлнинг кўприк ёки сол олдида ўзилиб қолиш мумкинлиги ҳақида огоҳлантиради.




Кўтарма кўприк («Б») ёки солда («А») ўтиш жойларининг олдида ўрнатилиб, йўл кўприк ёки сол олдида ўзилиб қолиши ҳақида огоҳлантиради.

Сохилга чиқиш



Бу белги дарё ёки сув хавзаси қирғоқларига чиқишда ўрнатилиб, ҳайдовчидан тезликни камайтириб ва эътиборни оширишни талаб қилади. Ҳайдовчининг эҳтиётсизлиги ушбу йўл белгиси кўрсатилган ҳолга олиб келиши мумкин.



Хавфли бурилиш белгилари



Кичик радиусли бурилиш ёки куриниши чекланган бурилишлар олдида урнатилиб, хавфли бурилиш «1.11.1»-ўнгда ёки «1.11.2»-чап томонда эканлиги ҳақида огоҳлантиради.

-«Хавфли бурилишлар» (294, 338-расмлар).

Йўлнинг икки қисми кичик радиусли ёки куриниши чекланган бурилиш жойи яқинида урнатилади.



Тик нишаблик


Бу белги пастлик, нишаблик, олдида ўрнатилиб, ичидаги ракам нишабликнинг фоиз хисобида 100 метр узунликка тугри келадиган пасайишини фоиз хисобида кўрсатади.

Пастлик чўзилиб кетган бўлса, у ҳолда ушбу белги «7.2.1» «Таъсир оралиғи» қўшимча ахборот белгиси билан қўлланилади. Нишаблик томон ҳаракатланаётган ҳайдовчи йўлнинг тор қисмларидан рўпарадан тепалик томон ҳаракатланаётган ҳайдовчига йўл бериши лозим.

Тик баландлик.


Бу белги тик баландликлар олдида ўрнатилган ва ҳайдовчини транспорт воситасининг динамик хусусиятлари, юкли ёки юксизлигига қараб, керакли узатмага улаш,

баландликка тўхтамасдан чиқиш кераклигидан огохлантиради. Акс ҳолда автомобил тўхтаб қолиб, ўз оғирлиги билан орқага кетиши мумкин. Нишаблик ва баландлик кетма-кет келадиган бўлса, юкоридаги белгилар 50-100 метр масофада эмас, балки бевосита нишаблик ва баландлик олдида ўрнатилади.

**Сирпанчик йўл**

Йўлнинг устки қисми маълум сабабларга кўра (лой, қаватма-қават ҳўл барглар, гудрон, музлик оқибатида) сирпанчик бўлиб қолса, бундай қисм олдида «1,15» йўл белгиси ўрнатилади. Ҳайдовчи йўлнинг бундай қисмларида тезликни камайтириши, кескин тўхтамаслиги, кескин бурилмаслиги лозим, акс ҳолда транспорт воситаси сирпаниб кетади ва уни бошқариш қийин кечиби, бошқарувдан чиқиб кетади.

Нотекис йўл



Йўлнинг уйдим-чукур, тулкинсимон буртма жойлари, куприк уламаларининг нотекис қисмлари олдида ушбу белги урнатилиб, тезликни оширмасликни талаб қилади, автоуловни кескин тухтатиб булмаслигидан огохлантиради.

Тош отилиш хавфи



Бу белги йўлнинг таъмирлаш ишлари бораётган жойларида гилдирак остидан тош, шагал ва шўнга ухшаш нарсаларнинг отилиб чиқиш эҳтимоли борлиги хақида огохлантиради.

Йўлнинг торайиши.






Икки томонлама торайиш



Чапга торайиш



Ўнгга торайиш



Йўлнинг торайиш қисмлари олдида (тораядиган томондан) йўл белгилар ўрнатилади.





Икки томонлама ҳаракатланиш-бу белги йўлнинг бир тарафлама ҳаракатланиш қисми тугаб, қарама қарши ҳаракатланиш қисми бошланиши олдида ўрнатилади.



Пиёдалар ўтиш жойи-5.16.1, 5.16.2 ёки 1.14.1-1.14.3
чизиклари билан кўрсатилган белгилар ҳайдовчини
светофор бошқармайдиган пиёдалар ўтиш жойига
яқинлашаётганидан огохлантиради.


Болалар-бу белги ҳайдовчини болалар муассасига (боғча, мактаб,
интернат ва шу каби жойларга) яқинлашаётгани ва йўлнинг бу қисмидан
ҳар дақиқада болалар чиқиб қолиши мумкинлиги ҳақида
огохлантиради.



Велосипед йўлкаси

Бу белги велосипед йўлкаси билан кесишув жойлари яқинида
ўрнатилади.



-«Таъмирлаш ишлари» (310, 311-расмлар).



Йўлнинг қатнов қисмида тезкор таъмирлаш ишлари олиб
борилганда (7.11 белгисиз) бу белги 10-15 метр масофада огохлантириш
учун ўрнатилади.


Мол ҳайдаб ўтиш

Ўввойи ҳайвонлар




-«Тошлар тушиши» (314-расм).


Муз, кор ёки сел келиб, тош кучиши мумкин бўлган йўл қисмидан олдин урнатилади.



Тошлар тушиши



Ёнлама шамол.




Пастлаб учувчи самолётлар



Тоннел.

Тоннелга кираверишда унинг пештокт куриниши чекланган ёки сунъий равишда ёритилмаган бўлса, олдида «Тоннел» белгиси урнатилади.

Бошқача хавф-хатарлар.




Йўлнинг огохлантирувчи белгиларда кузда тутилмаган хавф-хатарли қисми (тез-тез туман тушиб турадиган жойлар, жарликлар, тутун бўлиб йўлнинг кўриниши чекланган қисмлари) олдида ўрнатилади.


Бурилишнинг йўналиши.



**Бурилишнинг
йўналиши чапга**



**Бурилишнинг
йўналиши ўнгга.**



Бурилишнинг йўналиши - чапга, ўнгга


Бу белгилар уч хил бўлиб, бурилишнинг ўнг, чап ва бир вақтнинг ўзида ўнг ва чап йуналишлари борлигини билдиради.

ИМТИЁЗ БЕЛГИЛАРИ

Имтиёз белгилари чорраҳаларда, йўлнинг қатнов қисмлари кесишган жойларда ёки йўлнинг тор қисмида транспорт воситаларининг ҳаракатланиш навбатини белгилайди.



Асосий йўл-ҳаракатланиш тартибга солинмаган чорраҳаларда иккинчи даражали йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларидан олдин ўтиш ҳуқуқини беради.



Асосий йўл

Асосий йўл имтиёзли белги ўрнатилган жойда тугайди.



Асосий йўлнинг охири



Иккинчи даражали йўл билан кесишув

Бу белгилар асосий йўлга ўрнатилиб, аввалги белгига ўхшаб, тартибга




Иккинчи даражали
йўлнинг тутшув чапга




Иккинчи даражали
йўлнинг тутшув ўнга

солинмаган чорраҳаларда
хайдовчига имтиёз беради



Йўл беринг



Бу белги хайдовчи кесиб утаётган йўлдан келаётган автомобилга йўл бериши кераклигини билдиради, 7.13 белги урнатилаётган автомобилга йўл бериш лозим.

«Тўхтамасдан ҳаракатланиш таъқиқланган» - «STOP» белгиси.



Хайдовчи тўхташ чизиги олдида, агар у булмаса, кесиб утиладиган қатнов кисмининг четида Тўхтаб утади. Белги темир йўл кесишмасида карантин постидан олдин урнатилган бўлса, хайдовчи унинг олдида тўхташи керак.

Бу белги саккиз киррали бўлиб, шакли оркали ажратиш ҳам мумкин.


Рўпара ҳаракатланишнинг устунлиги



Карама-карши ҳаракатланишни кийинлаштирадиган ҳолларда (кўприк, тоннел) йўлнинг тор кисмига кириш тақиқланади. Хайдовчи йўлнинг тор қисмида бўлганда рўпарадан келаётган транспорт воситасига йўл бериши керак.



Рўпара ҳаракатланишга нисбатан имтиёз
Йўлнинг тор қисмида ҳаракатланмокчи бўлган хайдовчи рўпарадан келаётган автомобилдан олдин ўтиш ҳукукига эга.



Амалий машғулот № 7


Мавзу: Тақиқловчи белгилар.

Топшириқ

1. Тақиқловчи белгилар.

ТАКИКЛОВЧИ БЕЛГИЛАР



Такикловчи белгилар ҳаракатланишни маълум даражада чеклайди ёки умуман такиклайди.





Кириш таикланган-бу йўналишда барча транспорт воситаларининг кириши тақиқланади.

Ҳаракатланиш таикланган-барча транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади. (331-расм).

Механик транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади (332-расм).




«Юк автомобилларининг ҳаракатланиши тақиқланган» (333, 334-расмлар).



Белгида чекланган юк вазни кўрсатилмаган бўлса. У тўла вазни 3,5 тоннадан юкори бўлган барча юк автоуловлари трактор, ўзи юрар машина ва механизмларнинг ҳаракатланишини тақиқлайди.



Бортли юк автоуловларида нишаблик ок чизиги бўлса ёки одам ташийдиган автоуловларга 3,4 белги таалукли эмас.



«Мотоцикллар ҳаракатланиши тақиқланади» (335-расм).

«Тракторлар ҳаракатланиши тақиқланади».

Йўлларда транспорт воситаларининг тезлигини ошириш мақсадида барча турдаги тракторлар, ўзи юрар машиналар ва механизмларнинг ҳаракатланиши тақиқланади (336-расм).




«Тиркама билан ҳаракатланиш тақиқланган» (339-расм).

Тиркамаси бўлган барча турдаги автоуловларга, тракторларга механик воситаларни шатакка олиб ҳаракатланиши тақиқланади.


«От-арава ҳаракатланиши тақиқланган».

От-арава (от-чана) ҳаракати пода хайдаб ўтиш, юкли хайвонлар ҳаракатланиши тақиқланади (337-расм).



«Велосипедда ҳаракатланиш тақиқланади».

Велосипед ва мопедларни ҳаракатланиши тақиқланади (338-расм).






-«**Пиёдаларнинг ҳаракати тақиқланади**» (340-расм).

-«**Вазн чекланган**» (341-расм, 344-расм).

Юк вази белгида кўрсатилганидан юкори бўлган автоуловларнинг ҳаракатланиши тақиқланади.

-«**Ўққа тўшадиган огирлик чекланган**» (342-расм).



Битта ўққа тўшадиган огирлик йўл белгисида кўрсатилганидан ортик бўлса, бундай транспорт воситаларининг ҳаракатланиши тақиқланади.

-«**Чекланган баландлик**» (343-расм).


Транспорт воситаларининг габарит баландлиги, белгида кўрсатилганидан баландрок бўлса, шу жойда ҳаракатланиш тақиқланади.

-«**Чекланган энлик**» (345-расм).

Энига тор бўлган тоннел куприк ва эстакадалар олдида ушбу белги урнатилиб, белгида кўрсатилганидан энли юк автоулови ҳаракатини такиклайди.

-«**Чекланган узунлик**» (346-расм).

Куп бурилишли узун ва тор кучаларда узун юк автоуловлари тикилиб колмаслиги ва йўл ҳаракати иштирокчиларига ҳалакит бермаслиги учун кучанинг кираверишига ушбу белги урнатилади.



-«**Энг кам оралик**» (350-расм).



Автоуловлар оралиги белгида кўрсатилган оралик масофасидан камрок бўлиб ҳаракатланиши тақиқланади.

-«**Божхона**» (347-расм).

Ушбу белги давлат ва инглиз тилида ёзилиб, божхонада Тўхтаб ўтишни талаб қилади.

-«**Хавф-хатар**» (348-расм).

Фалокат юз берганда (бахтсиз ходиса, кор кучиши, тош кучиши, йўлни сув босиши ва хоказо) урнатилиб. Фалокатни бартараф этувчи хизмат автоуловларидан бошқа барча транспорт воситалари ҳаракатини тақиқлайди.



-«**Ўнгга бурилиш тақиқланади**» (349-расм).



-«**Чапга бурилиш тақиқланади**» (351-расм).




-«**Қайрилиш тақиқланади**» (352-расм).




-«**Қувиб ўтиш тақиқланади**» (353-расм).





Бир тартибда кетаётган соатига 30 кмдан камроқ тезликда ҳаракатланаётган автоуловлардан бошқа барча транспорт воситаларини қувиб ўтиш тақиқланади (353, 354, 355-расмлар).



-«Қувиб ўтиш тақиқланган жой тугади» (356-расм).



-«Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган».

Бу белги тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган юк автомобиллари ва соатига 30 кмдан кам тезликда, яқка тартибда келаётган транспорт воситаларидан бошқа транспорт воситаларини қувиб ўтишни тақиқлайди (357-расм).

-«Юк автомобилларида қувиб ўтиш тақиқланган ҳудуднинг охири» (358-расм).




-«Юқори тезлик чекланади» (359-расм).

Белгида кўрсатилган тезликдан ортиқ тезликда ҳаракатланиш мумкин эмас.

-«Юқори тезлик чекланган ҳудуднинг охири» (360-расм).

-«Товуш ишораларини бериш тақиқланади» (363-расм).



Фалокат содир бўлишининг олдини олишдан бошқа товуш ишораларини бериш тақиқланади.

-«Тўхташ тақиқланган» (361-расм).

Белгиланган йўналишдаги транспорт воситасидан бошқа барча транспорт воситаларининг тўхташи ва Тўхтаб туриши тақиқланади.



-«Тўхтаб туриш тақиқланган» (362-расм).

Ушбу белги йўлнинг етарли даражада кенг бўлмаган қисмларига урнатилиб, барча транспорт воситаларининг беш дакикадан ортиқ Тўхтаб туришини тақиқлайди (таксометри ишлаб турган такси автоулови, ногирон хайдовчиларга тегишли автоулов, мотоаравача ва юк ортаётган, тушираётган автоуловларга 10 дакикагача Тўхтаб туришга рухсат этилади).



-«Ойнинг тоқ кунларида Тўхтаб туриш тақиқланади».

-«Ойнинг жуфт кунларида Тўхтаб туриш тақиқланади».


Йўлларнинг ўнг ва чап чеккаларини навбатма-навбат механизмлар ёрдамида супириб, тозалаб олиш ёки бошқа ишларни бажариш учун шу белгилардан фойдаланилади (365, 366, 367, 368 ва 369-расмлар).



-«Барча чеклагичларнинг охири» (370-расм).

-«Хавфли юк билан ҳаракатланиш тақиқланади».

«Хавфли юк» белгиси урнтилган автоуловга бу йўналишда ҳаракатланиш тақиқланади (371-расм).




-«Портловчи ёки тез ёнувчи юк билан ҳаракатланиш тақиқланади».
Бу белги урнатилган жойда юк ортилган автотранспорт воситаларига ҳаракатланиш тақиқланади (372-расм).



3.2-3.9, 3.32 ва 3.33 белгилар шу тоифадаги транспорт воситаларига икки томонга ҳам ҳаракатланишини тақиқлайди.

Куйидаги белгиларнинг дахли йук:

-йўналиши белгиланган транспорт воситаларига-3.1-3.3, 3.18.1, 3.18.2, 3.19, 3.27; (373-расм-курсатма ва эслатма белгилар);



-белгиланган ҳудудда жойлашган корхона хизматини килувчи ёки у жойда яшайдиган шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларига-3.2-3.8. Бундай ҳолатда автомобиллар бу ҳудудгаякин бўлган йўл кесишмасидан киради ёки ундан чиқиш учун энг якин йўл кесишмасидан ҳаракатланади (374-расм);

-3.28-3.30 белгилар-такси-машинага дахли йук;

-3.2, 3.3, 3.28-3.30-I ёки II гуруҳ ногирон хайдовчиларга ёки уларни олиб юрадиган шахсларга дахли йук (418-расм).

3.18.1 ва 3.18.2 белгилар қатнов йўлнинг кесишмаларига тегишли. 3.16, 3.20, 3.22, 3.24, 3.26-3.30 белгилар белги урнатилган жойдан кейинги энг якин чоррахагача, чоррахаси бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда ҳудуднинг охиригача, йўлга ёндош ҳудудлардан дала ва урмонларнинг йўл билан тутшган ҳамда иккинчи даражали йўллардан чиқиш жойларга таъсир кучига эга.

Агар уларнинг олдида тегишли белгилар урнатилмаган бўлса, бу белгиларнинг кучи йуқолмайди (377-расм). Аҳоли яшайдиган жойларга етмай урнатилган 3.24 белги 5.22 белгича уз кучини саклайди (379, 378-расм).





Белгиларнинг таъсир доираси камайиши мумкин 3.16 ва 3.26 белгилари 7.21 Қўшимча белгиси оркали.


3.27-3.30 белгиларининг амал қилиш оралиғи охирига 3.27-3.30 белгилари 7.2.3 Қўшимча белгиси билан бирга такрор урнатилади ёки 7.2.2 билан бирга қўлланади.

3.27 белгиси 1.4 ётик чизиги билан биргаликда (386-расм),


3.28 белгиси эса, 1.10 ётик чизиги (385-расм) билан биргаликда қўлланиши мумкин, бунда белгиларга амал қилиш чизиклар узунлиги билан аниқланади.

3.10, 3.27-3.30 белгилари йўлнинг қайси томонига урнатиш бўлса, уларга фақат ўша томонда амал қилинади.






Амалий машғулот № 8
Мавзу: Буюрувчи белгилари.




**«Тўғрига
харакатланиш»**




**«Ўнгга
харакатланиш»**




**«Тўғрига ёки ўнгга
харакатланиш»**





**«Тўғрига ёки чапга
харакатланиш»**



**«Ўнгга ва чапга
харакатланиш»**





**«Чапга
харакатланиш»**



Белгиларда кўрсатигич билан кўрсатилган йўналишда автомобиллар қатновига рухсат берилади.

Бурилишга рухсат берган белгилар қайрилиб олишга ҳам рухсат беради.

4.1.1 белги йўлнинг қатнов қисмида биринчи кесишмагача кучга эга (395-расм).



Ушбу белги ўнг томондаги ховлиларга ёки асосий йўлга туташган худудларга киришни тақиқламайди.

4.1.1-4.1.6 белгиларнинг белгиланган йўналишдаги транспорт воситаларига дахли йўқ.

4.1.1-4.1.6 белгиларининг қатнов қисмларининг қайси кесишмаси олдига ўрнатилса, шу ерда кучга эга (395, 396, 397-расмлар).



-«Тўсиқни ўнг томондан четлаб ўтиш» (398-расм).

Айланиб ўтиш фақат белгида кўрсатилган йўналғич чизик томонидангина бажарилиши шарт.

-«Тўсиқни чап томондан четлаб ўтиш» (399-расм).



Тўсиқни кўрсатилган йўналиш бўйича айланибўйишга рухсат берилади (399-расм).



-«Тўсиқни ўнг ёки чап томондан четлаб ўйиш» (400-расм).

Тўсиқни ҳар томондан четлаб ўйишга рухсат берилади.

-«Айланима ҳаракатланиш» (401-расм).



Йўналтиригичларда кўрсатилган йўналишларда ҳаракатланишга рухсат берилади.

-«Енгил автоомбиллар ҳаракатланади» (402, 403-расм).

Бу белгида енгил автомобил ифодаланган бўлса ҳам, белги енгил автоуловлардан бошқа, автобуслар, мотоцикллар ва тўла вазни 3,5 тоннадан кам бўлган юк автомобиллари ҳаракатланишига рухсат бериб, тўла вазни 3,5 тоннадан юқори бўлган юк автоуловлари ва трактор ҳаракатланишини тақиқлайди.



-«Велосипед йўлкаси» (404-расм).


Велосипед ва мопедлар ҳаракатланишидан ташқари, тротуар бўлмаган жойларда, бу йўлдан ҳалақит бермасдан пиёдалар юришига ҳам рухсат этилади.

-«Пиёдалар йўлкаси» (406-расм).

Фақат пиёдалар ҳаракатланишига рухсат берилади.

-«Энг кам тезлик» (405-расм).

Хайдовчи белгида кўрсатилган ёки ундан ҳам кам тезликда ҳаракатланиши мумкин.



-«Энг кам тезлик белгиланган йўлнинг охири» (405-расм).

4.9.1-4.9.3-«Хавфли юк ортилган транспорт воиталарининг ҳаракат йўналиши».

4.9.1 – чап томонга йўналиш; 4.9.2-тугрига;

4.9.3-ўнг томонга йўналиш.

Амалий машғулот № 9


Мавзу: Ахборот-ишора белгилари.

АХБОРОТ-ИШОРА БЕЛГИЛАРИ

Ахборот-ишора белгилари ҳаракатланишни муайян тартибга солади ёки бекор қилади, шунингдек, аҳоли яшайдиган манзиллар ҳақида ахборот беради.

-«Автомагистрал» (408-расм).

Автомагистрал бошланиши га ушбу белги урнатилиши ул ҳаракати махсус тартибга солинганини билдиради ва транспорт воситалари тез ҳаракатланишини таъминлайди.



-«Автомагистралнинг охири» (409-расм).

-«Автомобиллар учун мулжалланган йўл».




Барча турдаги автомобиллар, автобус ва мотоцикллар ҳаракатланишига рухсат бериб, от-арава, велосипед ва бошқа транспорт воситаларининг ҳаракатини тақиқлайди (410-расм).



-«Автомобиллар учун мўлжалланган йўлнинг охири» (410-расм)-
ўчирилган белги.

-«Бир томонлама ҳаракатланиш» (411-расм).

Транспорт воситалари йўлнинг бутун кенглиги бўйича бир
йўналишда ҳаракатланиши.




-«Бир томонлама ҳаракатланиш йўлининг охири» (411-расм).
«Бўлак охири» (422-расм).

Уч бўлакли йўлда ҳаракатланиш учун мулжалланган урта
бўлакнинг охири.

-«Бўлаklar бўйича ҳаракатланиш йўналиши» (423, 424, 425-
расмлар).

Агар 5.8.7 белгисида бирор транспорт воситасининг
ҳаракатланишини таққловчи белги тасвирланган бўлса, унда бу
транспорт воситасининг тегишли бўлакда ҳаракатланиши таққланади
(425-расм). 5.8.7 ва 5.8.8 белгилари йўналишлар сонига кўра тўрт ва
ундан ортиқ бўлакли йўлларга ҳам тадбиқ қилиниши мумкин.








Тасвири алмашадиган 5.8.7, 5.8.8 белгилари ёрдамида реверсив ҳаракат ташкил килиниши мумкин.

-«Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлак» (426-расм).

Ушбу белги транспорт воситаларининг оқими бўйича йўналган белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун мўлжалланган бўлакни





Белгилашда ишлатилади. Ушбу бўлак бошқаларидан сидирга чизик билан ажратилган бўлса, у ҳола, бу бўлакка бошқа транспорт воситаларининг кириши тақиқланади. Агар узук чизиклар билан чегараланган бўлса, у ҳолда йўловчи тушириш ёки олиш, ўнгга бурилиш учун бўлакка кириши мумкин.

-«Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўл» (427-расм).

Белгиланган йўналишли транспорт воситаларининг умумий оқимга қарши ҳаракатланиши учун ажратилган бўлак.

-«Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўлга чиқиш» (428, 429-расмлар).





-«Белгиланган йўналишли транспорт воситалари учун бўлаги бор йўлнинг охири» (430-расм).




Ушбу белги урнатилган жойдан бошлаб барча транспорт воситалари йўл қатнов қисмининг барча кенглиги бўйича ҳаракатланиши, тўхташи ва тўхтаб туриши мумкин.

-«Кайрилиш жойи» (431-расм).

Чап томонга бурилиш тақиқланади.

-«Кайрилиш оралиги» (432-расм).

Белгида кайрилиш мумкин бўлган масофа кўурсатилиб, автоулов шу ораликда кайрилиши мумкинлигини билдиради. Транспорт воситаларининг чапга бурилиши тақиқланади.




-«Автобус ва троллейбус тўхташ жойи» (433-расм).

-«Трамвайнинг тўхташ жойи» (477).

-«Тўхтаб туриш жойи» (481-расм).

-«Пиёдалар ўтиш жойи» (436-расм).

Ўтиш жойининг олдида 1.14.1-1.14.3 ётик чизиги бўлмаганда 5.16.2 белгиси йўлдан ўнг томонга ўтиш жойининг олд чегарасига. 5.16.1 белгиси эса, чап томонга ўтиш жойининг орқа чегарасига урнатилади.







-«Пиёдаларнинг ер остидан ўтиш жойи».

-«Пиёдаларнинг ер устидан ўтиш жойи».

Ушбу белгилар ер устидан (кўпинча темир йўл куприги устидан) ва ер остидан (серкатнов кучаларнинг остидан) ўтиш жойларини кўрсатади (437, 439-расмлар).

-«Тавсия этилган тезлик»



(483-расм).


Йўлнинг шу қисмида тавсия этилган ҳаракатланиш тезлиги. Шу белгига энг яқин чоррахагача амал қилинади.

Бу белги оғохлантирувчи белги билан бирга қўлланса, унинг амал қилиш оралиги йўлнинг хавфли қисмининг узунлиги билан аникланади.

-«Охири берк йўл» (441-расм).



Йўлнинг давоми йўк, охири берк эканлигини кўрсатади.



-«Йўналишларнинг дастлабки курсаткичи».

Белгида кўрсатилган аҳоли яшайдиган жойга ва бошқа манзиллар томонга ҳаракатланиш йўналиши.



Белгида 5.29.1 белгисининг ҳамда автомагистраль, аэропорт ва бошқа рамзий белгилар тасвири туширилган бўлиши мумкин. 5.20.1 белгиси йўлнинг 3.11-3.15 тақикловчи белгиларидан бири урнатилган қисмларини айланиб ўтиш кераклигини кўрсатиш учун ҳам қўлланади (422, 443-расмлар).

-«Ҳаракатланиш тасвири» (443-расм).

Чорраха олдида урнатилган ушбу белги бирон йўналиш бўйича ҳаракатланиш тақикланган, мураккаб чорраҳаларда ҳаракатланишини кўрсатади.



-«Йўналиш курсаткичи» (444-расм).

Ушбу белги манзил томон бурилиш жойида урнатилиб, қанча километр масофа қолганини кўрсатади.

-«Йўналишлар курсаткичи» (444-расм).

Бу белги бир неча манзил томон ҳаракатланиш йўналишларини кўрсатади.

Аҳоли яшайдиган жойларда урнатилган яшил ёки қўқ асосдаги 5.20.1, 5.20.2, 5.21.1 ва 5.21.2 белгиларида кўрсатилган аҳоли яшаш жойларига шу ҳудудидан чиққан, тегишли автомагистраль ёки бошқа йўллар орқали борилишини билдиради. Оқ асосда кўрсатилган манзил аҳоли яшайдиган жойни билдиради.



-«Аҳоли яшайдиган жойнинг бошланиши» (445-расм).

Аҳоли яшайдиган жойларда ҳаракатланиш тартибини. Қоидаларга биноан белгиловчи талабаларга амал қилинадиган жойларнинг номи ҳамда унинг бошланиши кўрсатилади.

-«Аҳоли яшайдиган жойнинг охири» (445-расм).


Аҳоли яшайдиган жойнинг йўли қоида талаблари уз кучини йукотганлигини билдиради.

-«Аҳоли яшайдиган жойнинг охири» (446-расм).

Асосий томонлари ҳаво рангда бўлиб, ёзуви оқ рангли бундай белгилар ҳаракат тезлиги ва товуш ишораларидан фойдаланишни чекламасдан, фақат белгида ёзилган географик жой номини билдиради. Ушбу белги урнатилган жойда аҳоли яшайдиган жойдаги йўлларда жорий этилган тартиб талаб қилинмайди.

-«Аҳоли яшайдиган жойнинг охири» (446-расм).

Ушбу белги аввалги 5.24 белгида кўрсатилган географик жойнинг охири билдиради.




-«Манзил номи» (447-расм).

Жойларнинг номини (дарё, қул, довон, хушманзара жой ва ҳоказо) билдиради.

-«Масофалар курсаткичи» (447-расм).

Йўналиш бўйича жойлашган аҳоли яшайдиган жойларга бўлган масофа кўрсатилганини билдиради.





-«Километр белгиси» (447-расм).

Йўлнинг боши ёки охиригача бўлган масофани билдиради.

-«Йўл раками» (447-расм).

5.29.1-йўлга берилган ракам; 5.29.2-йўлнинг раками ва йўналиши.



-«Юк автомобилларининг ҳаракатланиш йўналиши» (448-расм).

Ушбу белгилар чорраха олдида урнатилиб, юк машиналари ҳайдовчиларига энг қулай йўлни курсатиб, шу йўл бўйича ҳаракатланишини тавсия қилади.

Ҳаракатланиш учун вақтинча ёпиб қўйилган йўл қисмини четлаб ўтиш чизмаси.

-«Айланиб ўтишнинг йўналиши» (450-расм).

Ҳаракатланиш учун вақтинча ёзиб қўйилган йўл қисмини четлаб ўтиш йўналиши.

-«Тўхташ-чизиги» (451-расм).

Светофорнинг ёки тартибга солувчи шахс ҳаракатини таққиловчи ишорани берганда автомобиллар шу «тўхташ-чизиги»да тухтайди.



5.34.1-5.34.2-«Бошқа қатнов қисмига қайта тизимининг бошланғич курсаткичи» (452, 453-расмлар).

Бу белгилар ажратувчи бўлакли йўлларда, турли тадбирлар ёки сабаблар бўлганда, масалан: халқ сайили, спорт йиғилишлари ва ҳоказолар уюштирилганда ёпиб




кўйилган йўл кисмини айланиб ўтиш йўналишини кўрсатади.

-«Реверсив ҳаракатланиш» (454-расм).

Ушбу белги йўлнинг бошида урнатилиб, бир ёки бир неча бўлакларда ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида ахборот беради.

-«Реверсив ҳаракатланиш охири» (455-расм).



Бу белги йўлнинг охирига урнатилиб, реверсив ҳаракатланиш тугаганини кўрсатади.

-«Реверсив ҳаракатланиш йўлига чиқиш» (456-расм).

Бу белги чорраха олдида урнатилиб, қесишадиган йўлнинг бир ёки бир неча бўлақларида ҳаракатланиш йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкинлиги ҳақида ахборот беради.

-«Аҳоли яшайдиган ҳудуд» (457-расм).

Аҳоли яшайдиган ҳудудда ҳаракатланишда ушбу қоидаларга амал қилинади.

-«Аҳоли яшайдиган ҳудуднинг охири» (457-расм).

-«Фалокат рўй берганда кириш йўли».

Бу белгилар асосан тик нишабликда, довонда ва шўнга ўхшаш бошқа йўлларда урнатилиб, бундай жойларда ҳаракатланиб келаётган автомобиллар тизими ишламай қолса, ўз ҳаракатини тўхтатиш учун бу йўлга қиради (458 (а)-расм).

Амалий машғулот № 10

Мавзу: Сервис ва Қўшимча ахборот белгилари.

Ишдан мақсад:



Топшириқ

СЕРВИС БЕЛГИЛАРИ

(«Маиший хизмат кўрсатадиган жой белгилари»)

Сервис белгилари йўл ёкасидаги хизмат курсатиш жойлари хақида маълумот беради.

- «**Биринчи тиббий ёрдам курсатиш жойи**» (459-расм).
- «**Шифохона**» (458, 459-расмлар).
- «**Автоёнилги шохобчаси**» (459-расм).
- «**Автомобилларга техник хизмат курсатиш жойи**».
- «**Автомобилларни ювиш жойи**» (458-расм).
- «**Телефон**» (459-расм).
- «**Ошхона**» (459-расм).
- «**Ичимлик суви**».
- «**Мехмонхона**».
- «**Кемпинг**».
- «**Оромгох**».
- «**ЙПХ маскани**» (459-расм).




-«Таъсир оралиги» (466-расм).

Йўлдаги белгининг канча масофада таъсири борлигини, ундан бошқа огохдантирувчи, буюрувчи, ахборот-ишора белгиларининг таъсир (амал килиш) оралигини кўрсатади (466-468-расмлар).

-«Таъсир оралиги» (469, 470-расмлар).

Такикловчи белгилар амал килишни кўрсатадиган масофани билдиради.




-«Таъсир оралиги» ёки урнатилган белгиларнинг амал килиш оралиги тугаганини кўрсатади.

Хайдовчи шу белгиларнинг таъсир оралиғида ҳаракатланаётганини билдиради.

Белги-майдон, бинолар олди ва шўнга ухшаш жойлар четида тўхташ ва Тўхтаб туриш такикланганда белгининг таъсир оралиги ва йўналишини кўрсатади.

-«Таъсир йўналишлари» (471, 472-расмлар).

Чорраха олдида урнатилган белгиларнинг таъсир йўналишини кўрсатади ёки йўлнинг ёнида жойлашган манзилни ва ҳаракатланиш йўналишини кўрсатади.



-«**Транспорт воситасининг тури**» (473, 474-расмлар).

Белгининг таъсири жорий этилган транспорт воситалари турини кўрсатади (473, 474-расмлар).


Ушбу Қўшимча белгининг таъсири юк ташувчи, шу жумладан, тиркамали, тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган транспорт воситаларига тегишли.

Бу Қўшимча ахборот белгиси эса енгил автомобилларга, шунингдек, тўла вазни 3,5 тоннагача бўлган юк ташувчи транспорт воситаларига тадбик қилинади.

-«**Шанба, якшанба ва байрам кунлари**» (475-расм).

-«**Иш кунлари**» (475-расм).

-«**Хафта кунлари**». Белгида у хафтанинг қайси кунлари амал қилиши кўрсатилган.



-«**Амал қилиш вақти**» (476-расм).

Белги у хафтанинг қайси куни ва қайси соатларида амал қилишни кўрсатади.

-«Транспорт воситаларини Тўхтаб туриш жойига қўйиш усули» (477-478-расмлар).

Бу белги барча турдаги транспорт воситаларини Тўхтаб туриш учун йўлнинг пиёдалар йўлкаси туташган жойга қўйиш усулини билдиради.

Белги оркали пиёдалар йўлкаси ёнидаги Тўхтаб туриш жойига енгил автомобиллар ва мотоциклларни қандай қўйиш усули кўрсатилган.

-«Моторни ишлатмасдан Тўхтаб туриш».

Бу белги билан урнатилган жойда Тўхтаб туриш фақат мотори учирилган транспорт воситаларига мумкин (479-расм).



-«Пуллик хизмат» (480-расм). Накд пулга хизмат курсатилишини билдиради.

-«Тўхтаб туриш вақти чегараланган» (481-расм).

Бу белги Тўхтаб туриш муддатини чеклайди.


-«Автомобилларни куриқдан утказиш жойи» (482-расм).

Бу белгилар кўрсатилган майдонларда эстакада ёки куздан кечириш чуқурликлари борлигини билдиради.

-«Тўла вазни чекланган» (483-расм).

Бу белги тўла вазни Қўшимча белгида кўрсатилган микдордан ортиқ бўлган транспорт воситаларига таалукли.

-«Йўл ёкаси хавфли» (484-расм).




Бу белги йўл ишлари бажарилаётгани сабабли йўл ёкасига чиқиш хавфли эканлиги хақида огохлантиради.

-«Асосий йўлнинг йўналиши» (485-расм).

Чоррахада асосий йўлнинг йўналишини кўрсатади.

-«Харакатланиш булагини» (486-расм).



Светофор ёки белгилар таъсиридаги ҳаракатланиш булагини кўрсатади.

-«Кўзи ожиз пиёдалар» (487-расм).

Бу белгилар светофор билан қўлланади, пиёдалар ўтиш жойидан кўзи ожиз кишилар фойдаланиши хақида огоҳлантиради.




-«Нам йўл» (488-расм). Белги қатнов кисми нам бўлганда амал килади.

-«Ногиронлар» (489-расм). «Ногирон» таниклик белгиси урнатилган транспорт воситалари учун ажратилганлигини кўрсатади.



-«Ногиронлардан бошқа» (490-расм).



Урнатилган белгилар ногиронларга таалукли эмас.

-«Хавфли юкнинг тури» белгида курсатилиб, йуналишлар белгилари билан бирга қўлланади (491-расм).

Агар доимий белги каторида вақтинчалик белги пайдо бўлиб, улар бир-бирига зид келса, хайдовчи вақтинчалик

Белгига амал килади (492-расм).

Амалий машғулот № 11

Машғулот мавзуси: Йўлнинг қатнов қисмидаги чизиқлар ва уларнинг тасвири.

Машғулот мақсади: Ётиқ чизиклар, тик чизиклар ҳақида маълумотга эга бўлиш ва уларни ўрганиш.

Топшириқ

- 1.Ётиқ чизиклар ҳақида тушунча беринг.
- 2.Тик чизиклар ҳақида тушунча беринг.

Йўл чизиклари ҳаракатланишини ташкил этишда ҳайдовчининг асосий эътибори йўналтирилган жойларга чизилади.

Йўл чизиклари ётиқ ва тик чизикларга бўлинади.

1.Ётиқ чизиклар

Ётиқ чизиклар йўлнинг қатнов қисми юзасига чизилади. Бўйланма ётиқ чизиклар ва уларнинг моҳияти келтирилган. Йўлнинг қатнов қисми юзасидаги чизиклар, ишоралар , ёзувлар ва бошқа белгилар ҳаракатланиш тартибини белгилайди.


Йўл юзасидаги ётиқ чизиклар оқ рангда бўлади (1.4, 1.10 ва 1.17 чизиклар сарик рангда бўлади).

Бўйлама чизиклар ва уларнинг хусусиятлари.

1.1.Йўлнинг ўртасида чизилган энсиз, сидирға оқ чизик қарама-қарши йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт оқимларини ажратади. **Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади.**

1.1. Йўлнинг хавфли жойларидаги ҳаракатланиш бўлаклари ортасида узлуксиз оқ рангдаги сидирға чизик бўлақларнинг чегарасини билдиради; **Чизикни кесиб ўтиш тақиқланади;**

транспорт воситаларининг Тўхтаб туриш жойи чегарасини ҳамда автомагистраллар каторига киритилмаган йўлнинг ҳаракатланиш қисми чегарасини билдиради. (“АВТО-hamroh” кутубхонаси, «Йўл белгилари ва йўл чизиклари», 40-бет) (493, 494-расмлар).





1.2-(энли сидирға чизик)-495-расм. Автомагистрал-ларда ҳаракатланиш қисми чегарасини билдиради.

1.3-турт ва ундан ортиқ ҳаракатланиш булагига бўлган йўлларда қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситалари оқимини ажратади (496-расм).

1.4.-тўхташ такикиланган жойни билдиради. Якка холда ёки 3.27 «Тўхташ такикланган» йўл белгиси билан бирга қўлланади ҳамда йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига тўусик (бордюр) устидан чизилади (497-расм).

1.5-икки ёки уч бўлакли йўлларда карама-карши йўналишларда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимларини ажратади; бир йўналишда ҳаракатланиш учун мулжалланган икки ёки кўп бўлакли йўлларда бўлакларнинг чегараларини билдиради (498-расмлар).



1.6-якинлашиш чизиги-хар бир чизик узунлиги улар орасидаги масофадан катта бўлган узук-узук чизик-карама-карши ёки бир йўналишда ҳаракатланаётган транспорт воситалари оқимларини ажратувчи 1.1 ёки 1.11 чизигига якинлашаётганлик хакида огохлантиради (501-расм).



1.7-хар бир чизиги киска ва оралари шу чизиклар буйига тенг бўлган узук-узук чизик-чоррахадаги ҳаракатланиш бўлакларини билдиради (500-расм).

1.8-энли узук-узук чизик-тезланиш ёки секинланиш булаги билан йўлнинг ҳаракатланиш қисмидан асосий булаги уртасидаги чегарани билдиради (чорраҳаларда, йўлнинг турли сатҳда кесишган қисмларида, автобуслар тухтайдиган жойларда ва хоказо).

1.9-реверсив ҳаракатланишда қатнов қисмининг чегарасини белгилайди; реверсив ҳаракатланиш амалга оширилган йўлларда (реверсив светофори учирилган ҳолатда) карама-карши йўналишдаги транспорт оқимини ажратади (503-расм).




1.10-Тўхтаб туриш тақикланган жойни билдиради. Якка холда ёки 3.28 йўл белгиси билан қўлланади ва йўлнинг ҳаракатланиш қисми четига ёки йўл четидаги тусик (бордюр) устидан чизилади (504-расм).

1.11-сидирга чизик ёнида чизилган узук-узук чизик фақат бирор бўлақда қайта тизилишга рухсат беради ва транспорт оқимларини ажратади (505-расм).



1.12-тўхташ чизиги (506-расм). 2.5 бандли белги ўрнатилганда ёки ветофорнинг тақикловчи ишорасида бу чизик автомобил тухтуйдиган жойни кўрсатади.

1.13-бир қатор бўлиб терилган учбурчаклар кесишган йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситасига йўл бериш зарур бўлганда, автомобилни тухтатиш лозим бўлган жойни кўрсатади (507-расм).



1.14.1, 1.14.2-бир-бирига параллел чизилган кенг узлуксиз чизиклар («зебра») пиёдаларнинг ўтиш жойини билдиради (508-расм).



1.14.2-белгининг ишорали йуналтиргичлари пиёдаларнинг ҳаракатланиш йўналишини кўрсатади (509-расм).




1.14.3-пиёдаларнинг ўтиш жойи светофор орқали тартибга солинади (510-расм).

1.15-йўлни велосипед йўлаги кесиб ўтганини билдиради.


1.16.1-1.16.3-транспорт воситаларининг оками ажраладиган ёки кушиладиган жойлардаги йуналтирувчи оролчаларни билдиради.



1.17-белгиланган йуналишли транспорт воситаларининг бекатлари ҳамда таксиларнинг Тўхтаб туриш жойларини билдиради (514-расм).



1.18-чоррахада бўлақлар бўйича рухсат берилган ҳаракатланиш йуналишларини кўрсатади. Якка ҳолда ёки 5.8.1, 5.8.2 белгилари билан қўлланади. Охири берк йўл тасвирланган чизик, шу йўналишдаги ён томонда жойлашган қатнов қисмига бурилиш таъкиқланган кўрсатади. Четидаги чап бўлақдан чапга бурилишга рухсат берувчи йуналтиргич шу бўлақдан қайрилишга ҳам рухсат беради (515-расм).



1.19-ҳаракатланиш қисмининг торайган, шунинг билан йўналишдаги ҳаракатланиш бўлақларининг сони камайган ёки қарама-қарши йўналишда келаётган транспорт воситалари оқимларини ажратувчи 1.1 ёки 1.11 чизигига яқинлашганлик ҳақида огоҳлантирувчи чизик. Биринчи ҳолда 1.18.1-1.18.3 йўл белгилари билан қўлланиши мумкин (516-расм).

1.20-қатта учбурчак шаклида бўлиб, ҳайдовчини 1.13 чизигига яқинлашаётганидан огоҳлантиради (517-расм).



1.21-«STOP»-тўхташ ёзуви-2.5 белгиси билан бирга кулланганда хайдовчини 1.12 чизигига якинлашаётгани хакида огохлантиради (518-расм).



1.22-йўл ракамани кўрсатади (562-расм).

1.23-йўлнинг фақат белгиланган йуналишли транспорт воситалари учун мулжалланган булагин билдиради (520-расм).

1.1 ва 1.3 бандли чизикларни босиб ўтиш тақиқланади, ҳаракатланиш қисмининг чеккасини билдириш учун кулланган 1.1 чизиги бундан истисно.

1.2, 1.5-1.8 чизикларини исталган томондан босиб ўтиш мумкин.


Реверсив светофорлар бўлмаганда, 1.9 бандли чизигини фақат автоуловнинг ўнг томонида бўлса, босиб ўтишга рухсат берилади.

Реверсив светофор ёкилан вақтида бир йуналишли бўлақларни ажратаётган 1.9 чизигини исталган томондан босиб ўтишга рухсат берилади.

Реверсив светофор учирилганда, хайдовчилар дарҳол 1.9 чизигидан ўнгга қайта тизилишлари керак. Реверсив светофор учирилган бўлса, карама-карши йўналишдаги транспорт оқимларини ажратувчи 1.9 чизигини босиб ўтиш тақиқланади.

1.11 бандли чизигини узук-узук томондан сидирга чизик томонидан эса фақат қувиб ёки четлаб ўтишни тугутаётганда босиб ўтишга рухсат берилади.


Вактинча урнатилган ва доимий йўл белгилари ва чизиклар бир-бирига зид келса. Хайдовчи вақтинчалик йўл белгисига амал қилиши керак (521-расм).



2.Тик чизиклар.

Тик чизиклар йўл иншоотлари ва жихозлари юзаларига кетма-кет чизилган йўл-йўл оқ-қора чизикларидан иборат бўлиб. Уларнинг ўлчамларини кўрсатишда, кўз билан чамалаш воситаси сифатида хизмат қилади.


2.1-харакатлаанётган транспорт воситаларига хавф тугдирадиган элементлари (куприклар ва осма йўллар, устунлар ва хоказо) (522-расм, «А»).



2.2-тоннеллар, куприклар. Осма йўлларнинг пастки киррасини билдиради (522-расм, «Б»).

2.3-ажратиш бўлақларидаги ёки «хавфсизлик оролчалари» даги думалок устунларни билдиради (522-расм, «В»).

2.4-йўналтирувчи, бетон ёки темир-бетон устунлар, тўсик-тиргаклар ва бошқа шўнга ўхшаш нарсаларни билдиради (522-расм, «В»).



2.5-йўлнинг кичик радиусли бурилишлари, тик нишаблик ва бошқа хавфли жойларда йўл чеккасида ўрнатилган тўсикларнинг ён юзаларини билдиради (522-расм, «В»).

2.6-бошқа жойлардаги тўсикларнинг ён юзаларини билдиради (522-расм, «В»).

2.7-йўлнинг хавфли жойларида унинг четидаги тўсикни (бордюрни) ва ул сатхидан бўлган хавфсизлик чеккасини билдиради (522-расм, «В»).

Амалий машғулот № 12

Машғулот мавзуси: Огохлантирувчи ишоралар.

Қуйидагилар огохлантирувчи ишоралар хисобланади:

Бурилишни кўрсатадиган милтилловчи чироқ ёки қўл билан бериладиган ишоралар;

1.товушли ишоралар; фара чироқларининг ёқиб ўчирилиши; кундуз куни яқинни ёритувчи фара чироқларининг ёқилиши.

2. Ҳаракатланишни бошлашдан, қайта тизилишдан, бурилиш (қайрилиб олиш)дан ва тўхташдан олдин хайдовчи тегишли йўналишни билдирувчи

бурилиш ёруғлик кўрсатгичи, улар бўлмаганда ёки бўзук бўлганда, қўл билан ишоралар бериши шарт.

Чапга бурилиш (қайрилиб олиш)ни билдирувчи ишорага чап қўлни ёки тирсакдан туғри бурчак остида букилган ўнг қўлни ёнга узатиш мос келади.

Ўнгга бурилишни билдирувчи ишорага ўнг қўлни ёки тирсакдан туғри бурчак остида букилган чап қўлни ёнга ўзатиш мос келади.

Тўхташ ишораси чап ёки ўнг қўлни юқори қўтариб берилади.

3. Бурилиш кўрсатгичи ёки қўл билан берилаётган ишора маневрни бажаришдан олдинроқ берилиши ва уни тугаллагач дархол тўхтатилиши лозим (қўл билан берилаётган ишорани маневр қилишдан бевосита олдин тугаллаш мумкин).

Ишоралар бериш бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларини чалғитмаслиги керак.

Огохлантирувчи ишора бериш хайдовчига олдин ўтиш ҳуқуқини бермайди ва уни зарурий эҳтиёт чораларини кўриш масъулиятидан озод қилмайди.

4. Хайдовчи ўздан орқада келаётган, қувиб ўтишни бошлаган ва бошқа транспорт воситаларига халал бермаслигига ишонч ҳосил қилгандан кейингина, ҳаракатланиш йўналишини ўзгартириш ҳақида огохлантирувчи ишора бериши керак.

5. Товушли ишоралар фақат қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

аҳоли яшайдиган жойлардан ташқарида бошқа хайдовчиларни қувиб ўтиш ҳақида огохлантириш учун;

зарур бўлган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш учун.

6. Қувиб ўтиш ҳақида товушли ишора ўрнига ёки у билан бирга фара чироқларини ёқиб-ўчириб огохлантириш ишорасини бериш мумкин.

7. Бурилишни кўрсатувчи барча ёруғлик ишораларининг бир вақтда милтиллаши фалокат ишоралари бўлиб хисобланади.

Фалокат ёруғлик ишоралари қуйидаги ҳолларда ёқилиши керак: йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;

*тўхташ тақиқланган жойларда мажбурий тўхталганда;
фара чироқлари ҳайдовчининг кўзини қамаштирганда;
шатакка олинида (шатакка олинган транспорт воситасида).*

Ҳайдовчи йўл ҳаракати қатнашчиларини, ўзи бошқараётган транспорт воситаси хавф туғдириши мумкин бўлган бошқа ҳолларда ҳамогохлантириш учун фалокат ёруғлик ишораларини ёқиши керак.

8. Қуйидаги ҳолларда фалокат ёруғлик ишоралари ёқилгандан кейин, шунингдек, у бўлмаганда ёки бўзуқ бўлганда, фалокат сабабли тўхташ белгиси (милтиловчи қизил чироқ) дарҳол ўрнатилиши керак:


йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлганда;

тақиқланган ва кўриниш шароитини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси бошқа ҳайдовчилар томонидан ўз вақтида пайқаб бўлмайдиган жойларда мажбурий тўхтаб қолганда.

Бундай белги (чироқ) муайян вазиятда хавф ҳақида ҳайдовчиларни ўз вақтида огохлантиришни таъминлайдиган масофада ўрнатилиши керак. Лекин бу масофа аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситасидан 15 метрдан, улардан ташқарида эса 30 метрдан кам бўлмаслиги керак.

9. Шатакка олинган транспорт воситасида фалокат ёруғлик ишоралари бўзуқ бўлганда ёки бўлмаган ҳолларда унинг орқа томонига фалокат сабабли тўхташ белгиси ўрнатилиши кера

ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИГА ТААЛЛУКЛИ СВЕТОФОРЛАР




Светофор яшил, сарик, қизил ва оқ рангли ёруғлик ишораларидан иборат. Светофор ишоралари тегишли равишда доирасимон, йўналтиргич, пиёда тасвири туширилган ва Х-симон кўринишда бўлади. Доира шаклидаги светофорларда яшил доиралари ишоралар билан бир текисда жойлашган яшил йўналтиргич кўринишидаги ишорали битта ёки иккита Қўшимча тармок бўлиши мумкин.

Светофордаги доиралари ишоралар қуйидагиларни билдиради;



-яшил ишора-Ҳаракатланишга рухсат беради;

-милтиллаган яшил ишора-Ҳаракатланиш мумкин, оз вақтдан сўнг тўхташ ишораси ёнади (яшил ишора учишига сониялар қолгани

тугрисида ахборот бериш учун ракамли табло кулланиши мумкин, 81, 82-расмлар).



-сарик ишора Харакатни такиклайди ва ишоралар алмашуви Хакида огохлантиради;





-милтиловчи сарик-ишора Харакатланишга рухсат беради ва тартибга солинмаган чорраХа ёки пиёдалар ўтиш жойи борлигидан хабардор килади, хавф-хатар Хакида огоХлантиради (84-расм, «Б»);

-кизил ишора- шунингдек милтиловчи кизил ишора Харакатланишни такиклайди;


-кизил ва сарик ишораларнинг бир вактда ёниши Харакатланишни такиклайди ва оз муддатда яшил ишора ёниши Хакида ахборот беради (83-расм, «В»).

Йўналтиргич курунишидаги кизил, сарик ва яшил рангли светофор ишоралари Хам доира шаклидаги светофор ишоралари билан бир хил мазмўнга эга булади. улар фақат кўрсатилган йўналишда Харакатланишни билдиради. Шунингдек, чап томонга бурилиш рухсат берилади, деган йўналтирувчи ишора қатновига олишга Хам рухсат беради (85-расм, «Г»).




Қўшимча тармокдаги яшил йўналтиргич Хам худди шу маънони билдиради (86-расм, «Д»).

Қўшимча сатҳдаги ишора учирилган бўлса, шу тармок тартибга солаётган йўналишда Харакатланиш такикланганини билдиради (87-расм, «Е»).



Агарда светофорнинг асосий яшил ишорасига қора йуналтиргич (йуналтиргичлар)нинг шакли туширилган бўлса, у ҳайдовчиларга светофорнинг Қўшимча тармоғи борлиғи Хақида ахборот беради ва шу асосий тармокдаги йуналтиргичлар йўналишида Харакатланишга рухсат берилганини кўрсатади (88-расм, «Ж»).



Светофор ишораси пиёда тасвири қуринишида бўлса, у фақат пиёдаларнинг Харакатига оиддир (88А-расм). Яшил рангли ишора ёнса, пиёдаларнинг юришига рухсат берилади, кизил ишора ёнса, -«Тўхтаб туриш керак» деган маънони билдиради.

Велосипед Харакатланишини тартибга солишда доирасимон ишоралар ишлатилади. Фақат улар оддий светофорлардан кичикроқ бўлиб, 200×200мм ўлчамдаги турт бурчак шаклида, велосипед расми бор белги Қўшимча жойлаштирилади (88Б-расм).



Кўр ногирон пиёдаларни оғохлантириш учун светофорда Қўшимча равишда товушли ишора урнатилиши мумкин.


Қатнов қисмидаги ҳаракат йўналиши қарама-қарши томонга ўзгариши мумкин бўлган бўлақларда транспорт воситаларининг ҳаракатини тартибга солиш учун Х-симон кизил ишорали ва пастга

караган йўналтиргич кўринишидаги яшил ишорали реверсив светофорлар қўлланади.

Бу ишоралар қайси бўлак устига урнатилган бўлса, унда Харакатланишни тақиклайди ёки рухсат беради (89-расм, «З» ва «И»).





Реверсив светофорнинг асосий ишораларига Қўшимча равишда сарик йўналтиргич ишораси урнатилиши мумкин. Сарик рангли йўналтиргич диагональ Холатда паст томонга каратилган бўлиб, ўнг ёки чап томонга Харакатланадиган транспорт воситалари учун урнатилади (89-расм, «К»).





Уларнинг ёниши бошқа ишора ёнишига навбат келиши ва йўлнинг бошқа томонига ўтишига рухсат этилишини билдиради.

Икки томони 1.9 (111-бет: «Йўл белгилари ва йўл чизикларига қаранг») чизик билан белгиланган бўлак устига ўрнатилган, ишоралари ўчирилган реверсив светофор шу бўлакка киришни тақиклайди (89-расм, «Л»).

Трамвай, шунингдек, белгиланган йўналишдаги бошқа автотранспорт воситаларининг ҳаракатланишини улар учун ажратилган махсус бўлакда тартибга солиш учун Т ҳарфи кўринишида жойлашган туртта доирасимон, ок рангли ишорали светофорлар қўлланиши мумкин. Агарда устки доирали ишора ёниб, пастдагиси ёнмаса, «**Ҳаракат тақикланади**» деган маънони билдиради; лекин чап томондагиси билан пастдаги ишора ёнса – чап томонга Харакатланишга рухсат этилади, уртасидаги ёнса-туғрига юришни, ўнг томонга Харакатланишга рухсат берилади (90, 91, 92-расмлар, «М»).





Темир йўл кесишмаларида урнатилган доирасимон, ок рангли, милтилловчи ишора транспорт воситалари кесишма оркали Харакатланишига рухсат беради (93-расм, 1.3.1. «Бир изли темир йўл белгиси урнатилган»).



Якинлашиб келаётган поезд локомотив, дрезина) булмаса, учирилган милтилловчи ок ва кизил рангли ишораларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилади.

Тартибга солувчининг ишоралари куйидаги маънони билдиради;

Қўл ён томонга узатилганда ёки туширилганда чап ва ўнг томондан трамвай тугрига, рельсиз транспорт воситаларига эса тугрига ва ўнгга Харакатланишга, пиёдаларга қатнов кисмини кесиб ўтишга рухсат берилади (94-расм). Олд ва орка томондан барча транспорт воситалари ва пиёдалар Харакатланиши тақиқланади.


Ўнг кул олдинган узатилганда, чап ёндан трамвайга, колган транспорт воситаларига барчайуналишларда, олд томондан автомобиллар фақат ўнг томонга Харакатланишга рухсат берилади. Орка ва ўнг томондан Харакатланиш тақиқланади.

Пиёдаларга тартибга солувчи орка томондан қатнов кисмини кесиб ўтишга рухсат беради (95-расм).



Қўлини юкорига кўтарганда, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг барча йуналишларда ҳаракатланиши тақиқланади (96-расм).

Тартибга солувчи Хайдовчилар ва пиёдаларга тушунарли бўлган бошқа ишораларни ҳам бериши мумкин. Ишоралар яхши қурилиши учун тартибга солувчи «жезл» ёки ёруглик қайтарадиган кизил рангли доирасимон мосламаларни куллаши мумкин (97-расмлар, «а» ва «б»).






Транспорт воситасининг тўхташиш учун ҳаракатни тартибга солаётган ЙХХХ ходими ёки милиция ходими кул ишораси билан ёки овоз кучайтиргич мослама орқали курсатма беради. ҳайдовчилар эса кўрсатилган жойда тўхташлари зарур.

Изоҳ: йўлда кетаётган автомобилни тўхташиш учун милиция ходими ёки тартибга солувчи шахс овоз кучайтирадиган қарнайда автомобилнинг русумини, рўйхатдан ўтган рақамини ва қаерда тўхташини айтади.

Йўл ҳаракати қатнашчиларининг эътиборини жалб қилиш учун хуштак билан Қўшимча ишора берилиши мумкин (97-расм, «В»).

Йўл Ҳаракатини тартибга солувчидан ва реверсив светофордан ташқари «ҳаракат қилиш тақиқланади» деган ишора бўлса, Ҳайдовчилар «STOP» чизигидан олдин тўхташи зарур (98-расм. «Н»). Агарда «STOP» чизиги бўлмаса:

- пиёдаларга Ҳалакит бермасдан тўхташ мумкин (99-расм, «О»);
- темир йўл кесишмаси олдидан тўхташ зарур.



Бошқа жойларда светофор ёки тартибга солувчининг олдида Ҳаракатланишига руҳсат берилган транспорт воситалари ва пиёдаларга ҳалакит бермаган ҳолда тўхташ мумкин.

Хайдовчилар ва пиёдалар тартибга солувчининг ишораси ва курсатмаларига, агар улар светофор ишоралари, йўл белгилари ва чизикларига (101-расм, «Р») зид бўлган тақдирда Ҳам амал қилишлари шарт (101-расм, «П»).

Темир йўл кесишмаларида светофорнинг милтиловчи қизил ишораси билан бир вақтда пиёдаларнинг кесишма орқали Ҳаракатланиши тақиқлангани тугрисида Қўшимча ахборот сифатида товушли ишора берилиши Ҳам мумкин.

Амалий машғулот № 13


Машғулот мавзуси: Ҳаракатланишни бошлаш, ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартириш (манёвр ҳақида).

Машғулот мақсади: Транспорт воситасини ҳаракатланиш йўналишларини ўзгартириш ва манёвр ҳақида ўрганиш.

Топшириқ

1. Транспорт воситасини ҳаракатлантиришда ҳайдовчининг ҳаракати.
2. Транспорт воситасини манёвчанлиги ҳақида.

Транспорт воситасини бошқараётган ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлашдан олдин (102-расм, «А»), йўлнинг бошқа бўлагига ўтиш («Б», 102-расм), бурилиш («В») (қатновига олиш («Г»)) ва тўхташдан («Д») олдин ўз ҳаракати билан бошқа транспорт воситаларига ҳавф солмаётганига ва тўскинлик қилмаётганига ишонч ҳосил қилиш керак).



Автомобил орқасида, чап томонда жойлашган чирок бурилиш белгисини билдириб ёнса («Е»), ҳайдовчининг чап томонга узатилган қўли ҳам чапга бурилишини билдиради. Шунингдек, ўнг қўл ён томонга узатилиб, билаги кўтарилиб туриши ҳам бурилиш ишорасини билдиради (103-расм, «а», «г», «ж»).


Ўнг томонга бурилиш ишорасида («Ж») ҳайдовчининг ёнга узатилган ўнг қўли ёки чап қўли узатилиб, тирсагидан тепага кўтарилган хол шу ишорани билдиради (103-расм, «Б», «Д», «З»).

«Тормоз» ёки тўхташ ишораси («З»).



Чап ёки ўнг қўл тепага кўтарилганда «тормоз» ёки тўхташ ишорасини билдиради («В», «Е», «К»).



Йўналишни ўзгартиришдан олдин ҳайдовчи огохлантирувчи ишораларни билдиради (104-расм, «И») ва йўналишги ўзгартириб бўлиши билан (104-расм, «К») бу ишорани тугатади («Л»). Ушбу вақтда ҳайдовчи берган ишора бошқа йўл қатнашчиларини чалғитиши мумкин эмас.



Ён томондан йўлга чиқаётган ҳайдовчи йўлда ҳаракатланаётган транспорт воситаларга («Н»), шунингдек, ўзининг ҳаракат йўналишиги кесиб ўтаётган пиёдалар (106-расм, «О») ва велосипед ҳайдовчисига («П») йўл бериши керак.





Қайта тўзилишда йўлнинг ён бўлагиди ҳаракат йўналишини ўзгартирмасдан (107-расм, «С») кетаётган транспорт воситаларига ҳайдовчи «Р» йўл бериши керак (107-расм, «Р»).




Ажратма чизик билан белгиланган йўлда бир йўналишининг ҳар бир бўлагиди кетаётган транспорт воситалари бир вақтди қайта тизилаётганди, «Т» автоулов ҳайдовчиси ўнг томонди «У» транспорт воситасига йўл бериши керак (108-расм).

Айланма ҳаракатланишли чорраҳларга (4.3 белги) кириш учун бурилишдан бошқа барча ҳолларди ҳайдовчи (109-расм, «Х» ва «Ф», 110-расм, «Ц») ўнгга («Ф»), чапга бурилиш ёки қайрилиб олишдан («Х») олдин шу йўналишди ҳаракатланиш учун мўлжалланган йўл қатнов қисмининг энг чеккасини эгаллаши зарур.

Агар чап томонди трамвай йўллари бўлса, ҳайдовчи чап томонди трамвай йўллари бўлса, ҳайдовчи чап томонга бурилишни ва қайрилиб олишни трамвай ўтишига ҳалакит бермасдан бажариши керак (111, 112-расмлар).





Бурилишни шундай бажариш лозимки, бунди қатнов қисмларининг кесишмадан чиқаётган транспорт воситаси қарама-қарши йўналишди ҳаракат томонига ўтиб кетмасин (113-расм).





Ўнг томонга бурилаётган транспорт воситаси иложи борица қатнов қисмининг ўнг томонига (113-расм, «Ш») яқинроқ бўлган йўлнинг бўлагиди ҳаракатланиши керак.

Транспорт воситасига ўзининг ўлчамларига кўра ёки бошқа техник сабабларига кўра йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлаган ҳолда ва бошқа транспорт воситаларига ҳалақит бермасдан, ўндан четга чиқишга йўл қуйилади (114-расм).




Рельсиз транспорт ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чап томонга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишда келаётган транспорт воситаларига ва шу йўналишда бўлган трамвайга йўл бериши керак (115-расм).

Йўлнинг чорраҳадан ташқаридаги қатнов қисми тор бўлса, чап томондан қайрилиб олиш учун қатнов қисмининг ўнг томонидан ёки йўлнинг ўнг ёқасидан қайрилиши мумкин. Бу вазиятда ҳайдовчи йўлакдан келаётган ва қарама-қарши йўналишдаги транспорт воситаларига йўл бериши шарт.









Ҳайдовчилар транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари туташганда ёки кесишганда ўтиш навбатини ўнг томондан яқинлашиб келаётган транспорт воситасига бериши керак (116-расм).

Секинлашиш (тезликни пасайтириб ҳаракат қилиш) бўлаги бор йўлларда бурилмоқчи бўлган ҳайдовчи ўз вақтида шу бўлакка ўтиб олиб, шундагина тезликни камайтириши керак (118-расм, «И»).



Йўлга чиқиш жойида тезлашиш (тезликни ошириб ҳаракат қилиш) бўлаги бўлса (119-расм, «Э»), ҳайдовчи шу бўлакда ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ўтказиб, кейин у оқимга қўшилиш керак.



Куйидаги ҳолларда қайрилиб олиш тақиқланади (120, 121, 122, 123, 124, 125-расмларда кўрсатилган).

-пиёдаларнинг ўтиш жойларида;



-туннелларда;

-куприкларда, осма йўл (эстакада)ларда, осма куприклар ва уларнинг остида;

-темир йу кесишмаларида;

-йўлнинг қуриниши бир томонлама йўналишида 100 метрдан кам бўлган жойларда.

Йўл ҳаракати хавсфизлигини сақлаган ва йўл ҳаракати катнашчиларига ҳалакит бермаган ҳолда, ҳайдовчи автомобилни орқага ҳаракатлантириши мумкин. зарурият тугилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши лозим (125, 126, 127-расмлар).




Амалий машғулот № 14




Машғулот мавзуси: Йўлнинг қатнов қисмида транспорт воситаларининг жойлашуви.

Транспорт воситаларининг йўлнинг қатнов қисмида жойлашуви

Рельсиз транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўлнинг бўлақлар сони чизиклар ёки 5.8.1, 5.8.2; 5.8.7; 5.8.8 йўл белгилари билан белгиланади. Бундай чизиклар ва йўл белгилари булмаса, ҳайдовчилар йўл бўлақларини узлари, қатнов қисмининг кенглигини (130-расм, «А»), транспорт воситалари орасидаги зарур ёнлама оралик масофани ва уларнинг улчамларини ҳисобга олган ҳолда аниқлайдилар. Бунда ҳаракат икки томонлама бўлган йўл қатнов қисмининг (103-расм, «Б») чап томондаги ярми қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган деб ҳисобланади (128-130-расмлар).



Бўлақлар бўйича ҳаракатланиш йўналиши.






Ҳаракат икки томонлама бўлган, тўрт ва ундан ортиқ бўлақли йўлларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган бўлақларга чиқиш тақиқланади (130-расм, «Б»).



Ҳаракат икки томонлама бўлган, учта бўлақли йўлларда ўрта бўлагига фақат қувиб олдинган ўтиш, чапга бурилиши, қатновига олиш ва айланиб ўтиш учунгина чиқишга рухсат берилади (131-расм, «В»).

Қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш учун мўлжалланган четдаги чап бўлакка чиқиш тақиқланади (132-расм, «Г»).

Аҳоли яшайдиган жойлардаги йўлларда 5.1. ёки 80км/соат тезлик билан юриш мумкин бўлган жойларда транспорт воситаларининг ҳайдовчилари йўлнинг ўнг томонига яқинроқ жойда ҳаракатланиши мумкин. Ўнг бўлақлар бўш вақтда чап томонга бурилиш, қатновига олиш, қувиб ўтиш ва тўхташ олдида ҳаракатланиш бўлагини ўзгартиришга рухсат берилади (134-расм).





Лекин, бир йўналишдаги уч ва ундан ортик бўлакли хар кандай йўлда ҳаракат серқатновлиги сабабали бошқа йўл бўлаклари банд бўлган ҳолларда, шунингдек, қувиб ўтиш, чапга бурилиш («Д») ёки қайрилиб олишга рухсат берилган (135-рasm, («Д»)) тўла вазни 3,5 тоннадан ортик бўлган юк автомобиллари фақат чап томонга бурилиш (136-рasm, «Е») ёки қатновига олиш учун чап бўлакнинг чекка томонини эгаллаши мумкин.



Ҳаракат бир томонлама бўлган йўлнинг чап бўлагида тўхташ ва тўхтаб туриш Коидаларнинг 12.1 бандига мувофиқ амалга оширилади.

Йўлнинг икки бўлагида бораётган транспорт воситаларидан бири тезликни ошириб бораётган бўлса, «қувиб ўтиш» деб ҳисобланмайди (137-рasm).





Тезлигини соатига 40 кмдан ошириш мумкин бўлмаган ёки техник сабабаларга кўра тезлигини бундан ошира олмайдиган транспорт воситалари қувиб ўтиш, чапга бурилиш ёки қатновига олиш, айланиб

ўтиш учун қайта тизилишдаги бошқа ҳолларда фақат четдаги ўнг бўлакда ҳаракатланишлари керак (138-расм, «Ж»).


Трамвай ҳаракатига ҳалакит бермасдан, йўналишдаги қатнов қисмининг чап томонида у билан бир текисда жойлашган трамвай изидан («З») шу йўналишдаги бошқа бўлақлар банд бўлганда, ҳаракатланишга, айланиб ва қувиб ўтишга рухсат берилади. (139-расм, «З»).

Карама-карши йўналишдаги трамвай изидан ҳаракатланиш тақиқланади (139-расм, «И»).



Йўлнинг қатнов қисми чизиклар билан бўлақларга ажратилган бўлса, транспорт воситалари қатъий равишда белгиланган бўлақларда ҳаракатланиши керак. Фақат қайта тизилишидагина узук-узук чизикларни босиб ўтишга рухсат берилади (140-расм, «К»).




Реверсив ҳаракатланиш белгилари бор йўлга бурилиш учун транспорт воситалари қатнов қисмлари кесишмасидан чиқишда четки ўнг бўлакни эгаллаши керак. Хайдовчи шу йўналишдаги бошқа бўлақларда ҳам ҳаракатланишга рухсат берилганига ишонч ҳосил қилганда кейингина қайта тизилишга ўтиши мумкин (141-расм).



Транспорт воситаларининг йўл ёкасида, пиёдалар йўлларида ҳаракатланиши тақиқланади «Л». Бу жойларда йўлакдан фойдаланиш ва коммунал хизмат автомашиналарининг ҳаракатланишига («М», 142-расм), шўнгдек, бошқа имконият бўлмаган ҳолларда бевосита йўл ёкасида, пиёдалар йўли олдида жойлашган савдо шахобчалари, корхоналар ва бошқа иншоотларга юк олиб кириш учун транспорт воситаларига яқин йўлдан киришга рухсат берилади. Бунда йўл ҳаракати хавфсизлиги тўла таъминланган бўлиши шарт (142-расм).



Ўзидан олдинда кетаётган транспорт воситаси кескин тўхтаганда у билан тўкнашиб кетмаслик учун ҳайдовчи оралик масофани саклаб бориши, шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнлама оралик масофани саклаши керак (143-расм, «Н», «О»).



Аҳоли яшамайдиган жойлардаги йўлларда тезлигини соатига 40 километрдан ошириши мумкин бўлмаган транспорт воситаларининг ҳайдовчилари ўзи ва олдида (144-расм, «Н») кетаётган автомобил оралиғида, уларни қувиб ўтиши мумкин бўлган автомобиллар йўлнинг ўнг томонида бемалол қайта тизилиши учун имкон берадиган масофани саклашлари керак. Серкатнов йўлларда транспорт воситалари колонна шаклида ҳаракатланаётган ҳолларда қувиб ўтишга тайёрланаётган ҳайдовчиларга бу талаб таалукли эмас.

Амалий машғулот № 15

Машғулот мавзуси: Ҳаракатланиш тезлиги ва қувиб ўтиш.

Ҳаракатланиш тезлиги

12.1. Ҳайдовчи ҳаракатнинг серкатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши керак.

Транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак.

Ҳаракатланишда, ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхташини

таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак.

12.2. Аҳоли яшайдиган жойларда транспорт воситалари тезлигини соатига 70 километрдан оширмасда'н ҳаракатланишга рухсат этилади.

12.3. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташиқарида:

- енгил автомобилларга ва рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автомобилларига тезликни соатига 100 километрдан оширмасдан;
- шаҳарлараро қатнайдиган автобусларга ва микроавтобусларга тезликни соатига 90 километрдан оширмасдан;
- бошқа автобуслар, тиркамали енгил автомобиллар, мотоцикллар, рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ортиқ бўлган юк автомобилларига тезликни соатига 80 километрдан оширмасдан;
- тиркамали юк автомобилларига тезликни соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

12.4. Ҳар қандай йўлларда:

- одам ташиётган юк автомобилларига тезликни соатига 60 километрдан оширмасдан;
- механик транспорт воситаларини шатакка олган транспорт воситаларига тезликни соатига 50 километрдан оширмасдан;
- хавфли, оғир вазни ва катта ўлчамли юкларни ташиётган, ташкилий жамланмада ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ДАН билан келишилган тезликдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилади.

12.5. Ҳайдовчиларга қуйидагилар тақиқланади:



- ❖ тезликни мазкур транспорт воситасининг техник тавсифномасида кўрсатилган энг юкори тезликдан ошириш;
- ❖ тезликни транспорт воситасига ўрнатилган таниқлик белги «Тезлик чекланган» да кўрсатилган қийматидан ошириш;
- ❖ зарурат бўлмаганда жуда паст тезликда ҳара-катланиб, бошқа транспорт воситаларига ҳалақит бериш;
- ❖ йўл-транспорт ходисасининг олдини олиш зарурати бўлмаганда, кескин тормоз беради.

Қувиб ўтиш.

Аҳоли яшайдиган жой» (пункт)-йўлнинг икки томони турар жойлардан иборат ва ўнга кириш чиқиш йўллари белгилари билан белгиланган ҳудудга айтилади (15-16-расмлар. 5.22-5.25 белгилар).



«Қувиб ўтиш»-эгалланган ҳаракатланиш бўладиган чиқиб олдинда кетаётган транспорт воситасидан ўзиб кетишга (17-18 расмлар) айтилади.



13.1. Хайдовчи қувиб ўтишни бошлашдан олдин:

- ✓ ўзи ўтмоқчи бўлган ҳаракатланиш бўлағи қувиб ўтиш учун етарлича масофада бўш эканлигига, бу қарама-қарши йўналишдаги ва шу бўлакдаги транспорт воситаларининг ҳаракатига ҳалақит бермаслигига;
- ✓ шу бўлакда орқада келаётган транспорт воситаси қувиб ўтишни бошламаганлигига;
- ✓ олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси эса қувиб ўтиш, чапга бурилиш (қайта тизилиш) ҳақида ишора бермаганлигига;
- ✓ қувиб ўтишни тугаллаётганда қувиб ўтилаётган транспорт воситасига ҳалақит бермасдан илгари эгаллаган бўлакка қайтиб ўта олишига ишонч ҳосил қилиши шарт.

13.2. Рельсиз транспорт воситаларини фақат чап томондан қувиб ўтишга рухсат берилади. Бироқ чапга бурилиш ишорасини бериб, бурилишга киришган транспорт воситасини қувиб ўтиш ўнг томондан амалга оширилади.

13.3. Қувиб ўтилаётган транспорт воситасининг хайдовчисига ҳаракат тезлигини ошириш ёки бошқа хатти-ҳаракатлар билан қувиб ўтишга тўсқинлик қилиш тақиқланади.

13.4. Қувиб ўтишни тугаллагандан сўнг хайдовчи илгари эгаллаган ҳаракатланиш бўлағига қайтиши шарт (ўнг томондан рухсат этилган қувиб ўтишдан ташқари).

Бироқ ушбу йўналишда ҳаракатланиш учун икки ёки ундан ортиқ бўлак бўлса, қувиб ўтаётган хайдовчи ўзи эгаллаган бўлакка қайтгани захоти кейинги қувиб ўтишни бошлашга тўғри келадиган ҳолларда орқада ўздан катта тезликда ҳаракатланаётган транспорт воситаларига ҳалақит бермаса, чап бўлакда ҳаракатланишни давом эттириши мумкин.

13.5. Қувиб ўтиш қуйидаги ҳолларда тақиқланади:

- ✓ тартибга солинган чорраҳаларда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиш бўлағига чиқиб;
- ✓ тартибга солинмайдиган чорраҳаларда асосий бўлиб ҳисобланмайдиган йўлларда ҳаракатланишда (айланма ҳаракатланишли чорраҳаларда қувиб ўтиш, кажавасиз икки ғилдиракли транспорт воситаларини қувиб ўтиш ва рухсат этилган ҳолларда ўнг томондан қувиб ўтиш бундан мустасно);
- ✓ пиёдалар ўтиш жойларида пиёдалар бўлганда;
- ✓ темир йўл кесишмаларида ва уларгача 100 метрдан кам масофа қолганда;
- ✓ қувиб ёки айланиб ўтаётган транспорт воситаларини;
- ✓ тепаликка кўтарилишнинг охирида ва йўлнинг кўриниши чекланган бошқа жойларида қарама-қарши ҳаракатланиш йўналишига чиқиб.



13.6. Аҳоли яшайдиган жойлардан ташқаридаги йўлларда секин ҳаракатланадиган ёки катта ҳажмли транспорт воситасини қувиб ўтиш қийин бўлган ҳолларда унинг ҳайдовчиси ушбу транспорт воситасини иложи борича йўлнинг ўнг томонига олиши, зарур бўлганда эса орақсида тўпланиб қолган транспорт воситаларини утказиб юбориш учун тўхташи керак

Амалий машғулот № 16

Машғулот мавзуси: Тўхташ ва тўхтаб туриш.




Тўхташ ва тўхтаб туриш қоидалари

Транспорт воситаларига ўнг томондаги йўл ёқасида, у бўлмаганда эса қатнов кисмининг четида тўхташ ва Тўхтаб туришга рухсат берилади (145-расм «А» ва 146-расм «Б» расмлар).





(Фақат тўхташ ва Тўхтаб туришни ман этувчи белги бўлмаган ҳолларда).

Аҳоли яшайдиган жойларда йўлнинг чап томонида тўхташ ва тўхтаб туришга ҳар бир йўналишда камида биттадан ҳаракатланиш булагини бўлган ва уртада трамвай изи бўлмаган ҳамда ҳаракат фақат бир томонлама бўлган йўлларда рухсат берилади (147-расм, «В», «Г»). Тўла вазни 3,5 тоннадан кўп бўлган юк автомобилларига ҳаракат бир томонлама бўлган ҳолларда йўлларнинг (148-расм, «Д») чап томонида Тўхтаб, юкни тушириш ва ортишга рухсат этилади (149-расм).





Транспорт воситаларини қатнов кисмининг чеккаси бўйлаб бирқатор (151-расм), тиркамаси бўлмаган икки гилдиракли транспорт воситаларини эса икки қатор қилиб қўйишга рухсат берилади.



Йўлнинг қатнов қисми кенгайган жойларда бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалақит бермаслик шарти билан транспорт воситаларини бошқа тартибда ҳам қўйишга рухсат этилади (151-расм, «Е»).


Пиёдаларга ҳалақит бермасдан, йўлнинг қатнов қисми тротуар билан чегараланган жойда енгил автомобиллар, мотоцикллар. Мопедлар ва велосипедлар Тўхтаб туришига рухсат берилади (154-расм).

Аҳоли яшамайдиган жойларда тунаб қолиш, дам олиш ёки бошқа мақсадларда Тўхтаб туриш учун фақат шўнга мулжалланган майдончаларда 1км йўлдан ташқари жойларда рухсат берилади (152-расм).



Қуйидаги жойларда Тўхтаб туриш тақиқланади:

-трамвай йўлларида ёки трамвай ҳаракатланишига йўлларида ёки трамвай ҳаракатланишига ҳалақит берадиган йўлга яқин жойда (153-расм);




темир йўл кесилишларида



туNELларда





эстакадаларда
(осма куприк устида);



эстакадалар остида;




-куприклар устида (3тадан кам бўлмаган бўлаклари («Ж») бор йўлларда);

-тухтаган автомобил билан сидирга чизик орасидаги масофа 3 метрдан кам бўлган жойларда (фақат қатнов қисмининг чегараси белгиланган чизикдан ташқари) (159-расм);



-пиёдалар кесиб утадиган йўлакларнинг четида ёки у йўлка 5 метррдан камрок масофа колганда (160-расм);

-бурилиш хавфли бўлган жойда ёки йўлнинг қатнов булагига кескин бурилиб, унинг курилиши 100 метрдан кам бўлган жойда (161-расм);





-чоррахада ёки ўнга 5 метр колганда (162 «З» ва 206 «З»-расмлар).

Кесишмага уланган йўлнинг ўнг булагига («И» 164-расм) тўхташ мумкин. Фақат кесишмасининг ён томонидаги қатнов йўл («К») сидирга чизик билан белгиланган ёки иккига ажратилган бўлса («Л») ўнг томонида тўхташ мумкин (164, 165-расмлар);



-бекатларда, бекатлар олди ва оркасида масофа 15 метрдан кам бўлса (166-расм);



-светофор ишораларини транспорт тусиб турган холда ёки бошқа транспорт тусиб турган холда ёки бошқа транспорт воситалари ҳаракатланишига ҳалакит бериладиган жойларда (166, 167, 168-расмлар).



Куйидаги холларда Тўхтаб туриш тақиқланади;

-тўхташ ва Тўхтаб туришни тақиқловчи йўл белгилари ва чизиклари таъсирлари доирасида;


-аҳоли яшамайдиган жойларда 2.1 белги йўлнинг ҳаракатланиш томонида урнатилган бўлса (169-расм);



-темир йўл кесишмасига 50 метрдан яқинроқ бўлган жойларда (170-расм);

-Тўхтаб туриш мумкин бўлмаган жойларда тўхташга тугри келса, иложи борида автомобилни ҳаракат йук жойга олиб қўйиш керак (171-расм).

Транспорт воситасини тулик учирган ва эшикларини беркитган ҳолдагина қолдириш мумкин (172-расм).



Тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидаларини бузилса энг кам иш ҳақининг уч бараварига тенг бўлган жарима тўланади.



Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса энг кам иш ҳақининг беш бараварига тенг бўлган жарима тўланади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик икки марта маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, энг кам иш ҳақининг ўн бараварига тенг бўлган жарима тўланади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик уч марта ва ундан ортиқ маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса энг кам иш ҳақининг беш бараварига тенг бўлган жарима тўланади.



Амалий машғулот № 17

Машғулот мавзуси: Светофор ишоралари.







Транспорт воситалари чорраҳадан кейин Тўхтаб, йўлда тирбандлик ҳосил бўлади, чорраҳага қараб ҳаракатланиш тақиқланади (174-расм, «А»).

Светофор ишоралари ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчи шахс билан таъминланган чорраҳа тартибга солинган деб ҳисобланади (175-расм «Б» ва 176-расм «В»).





Светофор ва тартибга солувчи бўлмаса ёки светофор ишдан чикиб, сарик ишора милтиллаб ёниб турса, бу чорраҳа тартибга солинмаган деб ҳисобланади. Автотранспорт ҳайдовчилари чорраҳаларда имтиёзли белгиларга амал қилган ҳолда ҳаракатланиши мумкин (177-«Г», 178-«Д»; 179-«Е»; 180-«Г» ва «Е»-расмлар).






Чап томонга бурилаётган ёки қатновига олаётган рельсиз транспорт воситаси хайдовчиси карама-карши томондан тугрига кетаётган ёки ўнг томонга бурилаётган транспорт воситаларига йўл бериши керак. Трамвай хайдовчилари ҳам ушбу коидага амал қилишлари зарур (181-«Ж» ва «З»-расм).



Светофорнинг кизил ёки сарик ишораси билан бир вақтда ёнган Қўшимча яшил ишорали йуналтиргич йўналишида ҳаракатланаётган транспорт воситаси хайдовчиси бошқа йўналишлардаги транспорт воситаларига йўл бериши лозим (182-расм «И»).





Светофор ёки тартибга солувчининг ишоралари трамвай ва рельсиз транспорт воситаларига бир вақтда ҳаракатланиш ёки йўналишдан катъий назар, трамвай олдидан ҳаракат қилишига рухсат этилади (183-расм).



Бурилишда қизил ёки сарик ишора билан бирга йўналиш ишораси ёкилса, трамвай бошқа йўналишдаги транспорт воситаларига йўл бериши керак (184-расм).

Чоррахага кирган хайдовчи ундан чиқишдаги светофор ишорасидан катъий назар, белгиланган йўналишда ҳаракатини давом эттириши мумкин (185-расм, «К» ва «Л»). Лекин чоррахада хайдовчининг йўлида жойлашган светофор олдида тўхташ қизиклари ёки 5.33 белгиси бўлса, у ҳар бир белги ва ишорага амал қилиши керак (186-«М», 187 «М»-расмлар).

Ҳаракатланишга рухсат берувчи ишора ёкилса. Хайдовчи чорраҳадан утиб кетаётган транспорт воситаларини утказиб ва қатнов қисмидан тегишли йўналишда утиб бораётган пиёдалар йўл бериши керак (188-расм, «Н» ва «О»).



Светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг таъқиқловчи ишораларига бўйсинмаса энг кам иш ҳақининг икки бараварига тенг бўлган жазима тўланади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса энг кам иш ҳақининг беш бараварига тенг бўлган жазима тўланади.

Светофорнинг ёки йўл ҳаракатини тартибга солувчининг таъқиқловчи ишораларига бўйсинмаслиги икки марта маъмурий жазо қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилса. Транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этилади.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН АСОСИЙ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ ҚўЛЛАНМАЛАР ТўПЛАМИ

АСОСИЙ

- 1.«Йўл ҳаракати ҳавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Т.:Мехнат. 1999
2. Йўл ҳаракати қоидалари. Расмий нашр. Т. : 2010 (Ўз.Р.ИИВ).
3. Н.Ф.Мухитдинов в.б. «Йўл ҳаракати қоидаларига шарҳлар ва амалий тавсиялар». Расмий нашр. Т.2010 й Ғ.Гулом

Қўшимча адабиётлар

1. И.А.Каримов. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т.: Ўзбекистон, 2001.
2. Т.С. Худойбердиев Трактор ва автомобиллар назарияси ҳамда ҳисоби Т. «Фан ва технология» 2005.
- 3.Автомобил журналлари: «Автохамрох», «За рулём». Т.:2000 йилдан бошлаб.
- 4.Йўл ҳаракати қоидаларига суратли шарҳлар Т.2013 й. Хайдовчилик курслари учун ўқув қўлланма.

Сайтлар: [www .rambler.ru](http://www.rambler.ru)

www.yahoo.com

[www.google .com](http://www.google.com)